

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ  
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

РЕСПУБЛИКАЎСИМЛИКЛАР ҚАРАНТИНИ БОШ ДАВЛАТ  
ИНСПЕКЦИЯСИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

А.Ш.Шералиев., Б.С.Насиров

# Қарантин бегона ўтлар ва уларга қарши кураш чоралари

Билим соҳаси: 600000 - Қишлоқ ва сув хўжалиги

Таълим соҳаси: 620000-Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги

Таълим йўналиши: 5620300–Ўсимликлар ҳимояси ва карантини ихтисослиги



Тошкент 2013

Ўқув қўланмада Республикада карантин бегона ўтларнинг назоратни амалга оширишнинг мақсад ва вазифалари, ўтказиш муддатлари, турларининг ботаник таснифи, тарқалиши ва уларга қўлланиладиган карантин тадбирларини амалга ошириш, экин далаларини фитосанитар назоратлардан ўтказиш ва расмийлаштириш тартибига оид услубий тавсиялар берилган.

Ўқув қўланма ўсимликлар химояси ва карантини таълим йўналиши негизида таълим олаётган бакалаврлар, магистрлар, карантин инспекцияси ходимлари, шу соҳа бўйича ишлаётган инспекторлар, агрономлар, селекционер мутахасислар ва фермерлар учун мўлжалланган бўлиб, ДТС талаблари асосида ёзилган.

**Тақризчилар:**

**Мухаммадиев Б.Қ.** Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини Бош давлат инспекцияси таркибидаги Ўсимликлар карантини илмий маркази директори, биология фанлари номзоди.

**Учаров А.Б.** Ўзбекистон ўсимликларни химоя қилиш илмий тадқиқот институти лаборатория мудири, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

Ўқув қўланма ТошДАУ нинг ўсимликларни химоя қилиш кафедрасининг 10 декабр 2012 йилдаги N 5 сонли, Селекция, уруғчилик ва ўсимликлар химоя қилиш факультети ўқув- услубий комиссиясининг 20 декабр 2012 йилдаги 6 сонли ва ТошДАУ ўқув- услубий кенгашининг 1 феврал 2013 йилдаги №2 сонли баённомаси асосида чоп этишга рухсат этилган

=====

## СЎЗ БОШИ

Хорижий давлатлар билан иқтисодий, савдо муносабатларининг кенгайиши бир давлат худудида учрайдиган ўсимликларда учрайдиган касаллик кўзғатувчи микроорганизмлар, ҳашаротлар, бегона ўтларнинг бошқа худудларга тарқалиб ўз ареалини кенгайишига сабаб бўлади.

Ўсимликларни химоя қилишнинг энг самарали йўли фитосанитар ва карантин назорати ҳисобланади. Бу мамлакатнинг ўсимликларини ва ўсимлик хом ашёларининг чет мамлакатлардан турли йўллар билан кириб келган ёки олиб келинадиган касаллик, ҳашарот, бегона ўтлар таъсиридан химоя қилишга, аниқланган тақдирда уларни йўқ қилиб ташлашга қаратилган Давлат ахамиятига эга бўлган тадбирлар қаторига киради. Бу тадбирларни амалга ошириш туман, шаҳар, вилоят, Республика карантин инспекциялари тамонидан амалга оширилади.

Мутахассислар меҳнат фаолияти давомида зарарли касаллик кўзғатувчи микроорганизмлар, ҳашаротлар, бегона ўтларнинг турлар таркибини тўғри аниқлаши учун уларга зарур бўлган маълумотномалар, адабиётлар, ўқув қўлланмалар билан қуролланган бўлиши муҳимдир. Ҳозирги вақтда олийгоҳларнинг кутубхоналаридаги адабиётларнинг асосий қисми ўсимликлар химоясига оид бўлиб, ўсимликлар карантиниغا оид давлат тилидаги адабиётлар жуда кам. Бу соҳа мутахассислари учун фитосанитар назорат, фитоэкспертиза (фитопатологик, микробиологик, вирусологик, гербологик, гелминтологик анализларни ўрганиш) бўйича дарслик, ҳамда амалий машғулотлар учун қўлланмаларни зудлик билан тайёрлаш замон талаби ҳисобланган долзарб масаладир.

Карантин бегона ўтлар ва уларга қарши кураш чоралари фанидан ўқув қўлланмаси фаннинг мақсади ва вазифалари, ривожланиш тарихи, ички ва ташқи карантин тадбирлари, Ҳалқаро ўсимликлар химояси ва карантини бўйича фитосанитар назорат олиб бориладиган карантин бегона ўтлар ва уларга қарши кураш чоралари масаларига бағишланган.

Карантин бегона ўтлар ва уларга қарши кураш чоралари фанидан бакалавр босқичи талабаларига ўтиладиган умумий ўқув соатлари 52 соатни ташкил қилиб, унинг 18 соат маъруза, 14 соатини лаборатория дарслари ва 26 соат мустақил таълимга режалаштирилган бўлиб, бу фан саккизинчи семестрда ўқитилади. Дарслик муаллифларнинг кўп йиллик педагогик тажрибалари асосида шу фанни талабаларга ўқитиш юзасидан мавжуд маълумотларни ДТС асосида умумлаштирилган дастлабки шакли ҳисобланади.

Муаллифлар дарсликдаги маълумотларни бойитиш ва мавжуд камчиликларини бартараф қилиш учун фикр билдирган мутахассисларга чексиз минатдорчилик изхор қилади.

## КИРИШ

Бегона ўтлар (экинлар орасида учрайдиган ёввойи ўсимликлар) қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ва меҳнат унумдорлигининг пасайишида, маҳсулот сифатининг ёмонлашишида салбий таъсир кўрсатувчи асосий омил ҳисобланади. Бегона ўтлар кенг тарқалган йиллари маданий ўсимликларнинг ҳосилдорлиги ғаллазорларда 10 % га, дон дуккаклиларда 13,4 % га, ғўзада 7,5 % га, картошкада 6 % га, сабзавод экинларида 10,8 % га пасаяди (Никитин, 1983).

Экинзорларда учрайдиган бегона ўтлар тупроқдан сув ва унда эриган минерал моддаларни ўзлаштириб қолмасдан, маданий ўсимликларнинг нормал ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Бегона ўтлар экинзорлардаги ўсимлик қопламида юқори ярусларни эгаллаб, ўсимликларни ўсишдан орқада қолишига, фотосинтез интенсификациясининг пасайишига, маҳсулотларни зарарли уруғлар билан ифлосланишига, ҳашарот ва касалликларнинг тарқалиши манбайи бўлиб хизмат қилади (Шералиев, 1998).

Россия худудида учрайдиган 21200 турдаги ўсимликларнинг 1530 таси, Украинада 738 таси, Россиянинг қора тупроқли минтақасида 499 таси, Тожикистонда 550 таси, Туркменистонда 493 та, Ўзбекистонда 450 дан ортиқ турдаги бегона ўтлар учраши аниқланган (Никитин, 1983).

Бегона ўтлар тупроқдан сувни маданий ўсимликка нисбатан 1,5 баробар ортиқ сўради. Зарпечак ва шумғия экинларнинг ширасини сўриб, уларни қуритади. Бегона ўтларнинг захарлилари (кампирчопон, туяқорин, мингдевона, бангидевона) ҳам бор. Уларнинг уруғлари сув, шамол, инсон ва ҳайвонлар воситасида тез тарқалади. Бегона ўтлар кўп уруғ ҳосил қилади. Масалан: бир туп курмак 6000, шумғия 100 000, зарпечак 140 000 уруғ ҳосил қилади.

Карантин объектларига мамлакат худудида учрамайдиган ёки жуда кам тарқалган турлари мамлакат ичкрасига транспорт воситалари, қишлоқ хўжалик хом ашёлари, одамлар орқали кириб келиши мумкин бўлган, маҳсулотларни зарарланишига, ўсимликларни касалланишига сабаб бўладиган зарарли ҳашарот, хавфли ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлар киради.

Бундай зарарли организмларни экинзорларда тарқалишини ўз вақтида аниқлаш, уларни янги худудларга тарқалишини чегаралаш ва зарарланган жойларини ҳимоялаб, йўқ қилиб ташлаш, мамлакатнинг бошқа худудларига бундай организмлар учрамайдиган худудларига тарқалишини олдини олиш муҳим аҳамиятга эга.

Бегона ўтларнинг Республикамиз худудида учрамайдиган ва тарқалиш хавфи бўлган турларини карантин бегона ўтлар дейилади. Уларнинг тарқалиш худудлари хар йили жойлардаги карантин инспекцияси ходимлари тамонидан назорат қилиб борилади ва уларни бартараф қилиш бўйича карантин тадбирларини амалга оширади.

Карантин объектларнинг тарқалишида давлатлар орасидаги савдо, илмий тадқиқот ва маданий алоқалардаги ҳамкорликлар муҳимдир. Илмий муасасаларнинг уруғлар, кўчатлар, пиёзбошлар, туганаклар, меваларни алмашилиш жараёнида энг хавфли касалликлар ва ҳашаротлар тарқалиш имкони вужудга келади. Ч.Элтон фикрича (1960) АҚШ га келтирилган ҳашаротларнинг ярмидан кўпи Европа, Жанубий Америка, Австралия ва Япониядан келтирилган.

Хар қандай карантин объектларнинг тарқалишини олдини олиш учун фитосанитар назорат тадбирларини ўз вақтида ўтказиш ва маҳсулотларга сифатли ишлов бериш муҳимдир.

Касаллик кўзғатувчиларининг, хашоратлар ва бегона ўтларнинг келгувси йилларда тарқалиш даражаси тўғрисида маълумотларга эга бўлиш учун мутахассис уларнинг биологик хусусиятларини, жойнинг тупроқ иқлим шароитини, хўжалик юритишнинг агротехник тадбирларини яхши билиши керак. Айниқса, кузатиш олиб борувчи мутахассислар кузатиш ва карантин объектларини миқдорини ҳисобга олиш усуллари билан малакали ишлай билиши керак.

Республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш миқдорини орттириш учун барча иқтисодий, агротехник ва маънавий тадбирларни тез суратлар билан амалга оширомоқда. Бу вазифаларнинг мувафаққиятли ҳал қилинишида ўсимликларнинг ҳосил сифати ва миқдорини камайтирувчи касаллик, хашарот ва бегона ўтлардан химоя қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўсимликларни самарали химоя қилишда экинзорларда учрайдиган зарарли организмларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишини мунтазам назорат қилиб бориш, уларга қарши агротехник, ташкилий курашнинг энг арзон ва самарали усулларини қўллаб, хўжаликларга иқтисодий зарар етказмасдан олинган олиш имкони вужудга келади.

Қишлоқ хўжалигининг интенсив ривожланиши ва маҳсулотларни давлатлар орасида айрибошлаш уларда учрайдиган касаллик, хашарот ва бегона ўтларнинг уруғларини ҳам бир давлат ҳудудидан бошқаларига тарқалишига, янги ҳудудларда янги турларининг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Бу жараёнлардаги тартибсизликка барҳам бериш учун давлатлар аро божхона пўстларида назоратни кучайтириш, мамлакат ичкарасидаги экинзорларни мунтазам назорат қилиш асосида экинзорлардаги фитосанитар ҳолатни баҳолаб туришни тақоза қилади.

Карантин объектларга қарши курашдан кўра унинг олдини олиш муҳимдир. Бунинг учун давлатлар ҳудудида учрайдиган бегона ўтларни тарқалиш ареалини билиш, уларга қарши кураш чораларини тўғри белгилаш, уларнинг экинларга келтирадиган зарарини кескин камайтиради, экинзорларнинг фитосанитар ҳолатини яхшилаш имконини беради. Фитосанитар назорат туфайли янги касалликлар, хашоратлар ва бегона ўтларнинг турлари аниқланган тақдирда уни бартараф қилиш йўллари белгилаш имкони вужудга келади.

Экинзорлардаги бегона ўтларга қарши агротехник, биологик, физикавий, кимёвий, механик кураш чоралари кенг қўлланилмоқда. Бу кураш чораларини тўғри белгилашда мутахассисларнинг билим савияси ва кўникмалари асосий рол ўйнайди. Малакали мутахассисларни тайёрлашда уларни барча давлатларда учрайдиган карантин организмлар тўғрисида тўлиқ тушунчага эга бўлиши, уларнинг тарқалишини чегаралашга, зарарини олдиндан аниқлашга, бартараф қилишга қарши кураш чораларини тўғри белгилаш имконини беради.

Авторлар ўқув қўлланмасидаги расмлар адабиётлар рўйхатида кўрсатилган манбалардан олинганлигини маълум қилиб уларнинг муалифларига миннатдорчилик билдиради.

## I БОБ

### Бегона ўтлар ва уларга қарши кураш чоралари фанининг мақсади, вазифалари ва ривожланиш тарихи

=====

Карантин бегона ўтлар ва уларга қарши кураш чоралари фани Республика ҳудудида намаён бўладиган, ривожланадиган, тарқаладиган бегона ўтларнинг турлар таркиби, морфологик, биологик хусусиятлари ва уларга қарши ўтказиладиган карантин тадбирларини белгилаш йўллари кўрсатиб беради.

Карантин бегона ўтлар ва уларга қарши кураш чоралари фани зиммасига махсус хизмат вакиллари ва илмий тадқиқот институти ходимлари билан бирга экин далаларида тарқалиши лозим бўладиган бегона ўтларнинг намаён бўлиш хавфини, ривожланиши ва тарқалишини олдиндан башорат қилиш малакасини ҳосил қилишдан иборатдир. Тегишли қишлоқ хўжалик ташкилотларига бегона ўтларни назорат натижалари тўғрисида маълумот беришдан мақсад ўтказилиши лозим тадбирларнинг миқдори ва муддатларини аниқлашга ўргатади. Таълим жараёнида зарарли организмларга қарши ўтказиладиган карантин тадбирларнинг самарасини тўғри баҳолаш, бегона ўтлар тарқалган майдонларни аниқлаш, намуналар йиғиш ва қарши кураш тажрибаси ҳосил қилинади.

#### 1.1. Фанининг мақсади ва вазифалари.

Белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун Республикада, вилоятларда, туманларда, шаҳарларда карантин инспекциялари ташкил қилинган. Ҳозирги вақтда 14 та вилоят карантин инспекцияси, 167 та ўсимликлар карантини бўйича туман ўсимликлар карантини инспекциялари, 31 та чегара карантин масканлари, 14 та фумигацион отрядлар, 6 та карантин питомниклари, 1 та карантин лабораторияси, 1 та ботаника боғи, 2 та оранжерея ва 26 та Давлат нав синаш участкалари Республикадаги фитосанитар ҳолатни назорат қилиш бўйича иш олиб бормоқда. Унинг таркибида тажриба ва селекция станциялари, нав синаш майдончалари ташкил қилинган.

Ўсимликлар карантини маълум ҳудудда учрамайдиган, чет элдан келиб қолиши мумкин бўлган бегона ўт, зараркунандалар, касалликларнинг ўтишидан ҳимоя қилишга, ўтган тақдирда эса дарров хавф олдини олиш ва йўқ қилишга қаратилган давлат аҳамиятига эга бўлган тадбир ва чоралар системасидир. Карантин чора тадбирлари ЎзР Вазирлар маҳкамаси қошидаги Республика Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва Ўсимликлар карантини Бош Давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Карантин бегона ўтлар ва уларга қарши кураш чоралари фанининг вазифаси зарарли бегона ўтларни мамлакат ичкарида ёки ташқарисига тарқалишига йўл қўймаслик, бу организмлар экинзорларда пайдо бўлган тақдирда, тарқалиш вақтини назарда тутиб уни чегаралаш тадбирларини ишлаб

чиқишга тавсиялар беради. Бу фан Республиканинг турли минтакаларида ташкил қилинган хўжалик ва чегара масканларида ишлайдиган мутахасисларни зарарли бегона ўтларни турлар таркибини ва миқдорини аниқлаш йўлларидаги мавжуд ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунлар билан таништиради. Ҳар бир минтақада мавжуд ва кириб келиши мумкин бўлган бегона ўтларнинг ривожланиши ва тарқалишида уларнинг биологик хусусиятларининг аҳамияти билан таништиради. Ўтказилган назорат юзасидан маълумотлар тузиш, уни юқори ташкилотларга тақдим этиш ва тарқалиши хавф туғдирадиган ва кириб келиши мумкин бўлган турлар рўйхати билан таништиради.

Ўсимликлар карантини метеорология, иқлимшунослик, кимё, физика, гигиена ва токсикология фанлари билан узвий боғлиқ.

Карантин сўзи (итал. *Quarantagioni*–қирқкун), карантинлаш–инфекцион касалликларнинг эпидемик ўчоқдан бошқа ҳудудларга тарқалишига йўл қўймаслик ва шу ўчоқни тугатиш, кимёвий ва биологик кураш ишлатилганда эпидемиянинг олдини олиш ва бартараф қилиш учун кўриладиган чора тадбирлардир.

Қириқ кунлик карантин биринчи марта Италияда 14-асрда ўтказилган. Қирқ кунлик карантин биринчи марта 1374 йилда Италияда Шарқ мамлакатларидан денгиз қирғоғига келган кемаларни 40 кун давомида ажрим жойда вабо касаллидан сақлаш учун тўхтатиб қўйилган.

Аҳолини карантинланган зонадан чиқишини ёки киришини тақиқлаш, карантинланган кишиларни ёки коллективларни теварак-атрофдаги аҳолидан тўла ёки қисман яққалаб қўйиш, назоратга олинган жамоаларда беморларни, бацилла ташувчиларни ва беморга яқин юрган барча кишиларни аниқлаш ҳамда яққалаб қўйиш ва бошқа чоралар (санитария ишлов бериш, лабораторияда текшириш, иммунлаш, дезинфекция, дезинсекция, дератизация) киради. Аҳоли ўртасида хавфли инфекцион касалликлар, масалан, тоун, вабо, чин чечак тарқалиш хавфи туғилганда айрим кишилар, оилалар, коллективлар (квартиралар, ҳовли, уй, ётоқхона, ҳарбий қисм, кема, эшелон ва бошқалар) ҳатто маҳаллалар, қишлоқлар ва районлар карантинга олиниши мумкин. Қайси касалликка қарши карантин белгиланса, ўша касалликнинг инкубацион даврга тенг муддатда карантинни сақлаш муддати белгиланади. Карантинга олинадиган кишилар (коллективлар) қайси бино, муассасада турган бўлса, ўша бино, муассаса ҳам қўпинча карантинда деб эълон қилинади.

Ўй ҳайвонлари ўртасида касалликлар тарқалганда (эпизоотия) улар ҳам карантинга олинади. Ҳалқаро миқёсдаги карантин тадбирларига амал қилиш ва талабларни бажариш бўйича масалалар Ҳалқаро Париж конвенциясида (1851) кўрсатилган.

## **1.2. Карантин тўғрисида таълимотнинг ривожланиш тарихи**

Биринчи карантин тадбирлари Францияда жорий қилинган. Бунга сабаб 1858-1862 йилларда АҚШ дан Францияга келтирилган узум кўчатларида учрайдиган филлоксера ҳашароти сабаб бўлган. Кейинчалик Францияга

оидиум, сохта ун шудринг касаллиги тарқала бошлаган. Шунинг учун қишлоқ хўжаликда 56 та департамент ташкил қилиниб, улар ток касалликларига қарши курашган. Шундан кейин ўсимликлар карантини жорий қилиш Европа мамлакатларига, Шимолий Америкада бошланган.

АҚШ да карантин зонасини ташкил қилиш 1912 йилда бошланган. Шу йили қабул қилинган Карантин тўғрисидаги қонун шу кунгача ўз кучини сақлаб келмоқда.

Карантин соҳасидаги тадбирлар бир мамлакат мисолида ташкил қилиниши ҳеч қандай самара бермаслиги аниқ бўлди. Шунинг учун 1877 йилда Лозаннда (Швейцария) бўлиб ўтган йиғилишда Европа мамлакатларида токнинг фоллексера туфайли нобуд бўлишининг олдини олиш масаласи халқаро даражада кўтарилди. Биринчи халқаро конвенцияни 1 сентябр 1878 йилда Берн шаҳрида Германия, Австро-Венгрия, Швейцария, Франция, Белгия, Голландия кейинчалик Италия, Испания, биринчи жаҳон уришидан кейин Венгрия, Чехословакия ва Югославия давлатлари имзолаган. Конвенциянинг талабларига асосан, токнинг филлексераси тарқалган давлатлар жаҳон бозорида ток кўчатлари сотиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган.

1905 йил 7 июнда Халқаро конвенцияда Римда Халқаро қишлоқ хўжалик институтини очиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Бу институт дастлаб турли мамлакатларда турли касаллик, хашоратлар ва бегона ўтлардан химоя қилишга ўргатиш қонунларини яратишган.

1914 йилда Францияда 30 мамлакат иштирокида сертификатлар билан алмашилиш ва зарарли организмларга қарши кураш чоралари белгилаб олинган.

1929 йилда Римда 24 давлат иштирокида бўлиб ўтган халқаро конференцияда Рим конвенцияси қабул қилинган. Бунга асосан шу давлатларда ўсимликлар химояси ва карантини бўйича илмий тадқиқот институтлари ташкил қилиниши, зарарли организмларни тарқатмаслик учун қонунлар ишлаб чиқиш, мамлакатда аниқланган карантин объектларининг рўйхатини эълон қилиш, ўсимликларни бир мамлакатдан иккинчисига олиб боришни қатъий назорат қилиш каби тадбирлар вазифа қилиб юклатилган.

1951 йилда Рим конвенцияси матни ФАО нинг йиғилишида Халқаро ўсимликларни химоя қилиш Конвенциясини 50 мамлакат иштирокида тасдиқлайди. Бунда ягона халқаро фитосанитар гувоҳномасини бериш, фитосанитар назорат ўтказиш талаблари ва назорат қилинадиган объектлар миқдори аниқланди.

1951 йил 18 апрелда Европа, Ўрта ер денгизи ховузаси (ЕОЗР) бўйича ўсимликларни химоя қилиш Конвенцияси қабул қилинади. 1956 йилга келиб Жанубий шарқий Осиё ва Тинч океани ховузасида ўсимликларни химоя қилиш комиссияси тузилади.

Фитосанитария тадбирлари қаторига патоген организмни сақловчи ўсимлик қолдиқларини йўқ қилиш, ғалла экинлари паҳолини ёқиш, бегона ўтларини йўқ қилиш, патоген организмни сақловчи тупроқни кимёвий ва физик



ишлов бериш, касаллик тарқалишига сабаб бўлувчи меҳнат қуроллари ва машина қисмларини дезинфекция қилиш кабилар киради. Касалликларнинг тарқалишида сув хавзалари ва дарё, ариқ оқими, қушлар, хайвонларнинг асосий роли ўрганилади.

Ўсимликлар карантини фанининг ривожланиш тарихи 18 аср бошларига тўғри келади. Бу маълумотлар Россияда А.Т. Болотов, Францияда А. Тиллет, Италияда Ф. Фонтана, Данияда Я. Фабрициус таълимотларида баён қилинган. Бу тўғрида дастлабки маълумотларни 19 асрнинг иккинчи ярмида немис олими А. де Барий, Рус олими М.С. Воронинлар берган. Россияда 19- асрнинг 70-80 йилларда дастлабки энтомология комиссияси ва Бюроси, карантин станциялари тузилган.

Карантин касалликларини ўрганишда 20 аср бошларида рус олимларидан А.А. Ячевский, Д.И. Ивановский, И.Л. Сербинов, Г.К. Бургвиц, Америка олимларидан Э. Смит, У. Стенли кабилар муносиб ҳисса қўшган.

Республикамизда ўсимликлар карантини бўйича таъмимотнинг яратилишида Республика ўсимликлар карантини Бош давлат инспекцияси, Республика ўсимликлар карантини илмий маркази, Ўзбекистон Ўсимликларни химоя қилиш институти, Ботаника ИИЧМ ва Таш ДАУ нинг фитопатология кафедраси профессор ўқитувчиларидан А.Шералиев, У Рахимов, К. Бухаров ва Ўсимликларни химоя қилиш кафедраси олимларидан Б.С.Болтаев, Б.Мурадов ўтказган тадқиқотлари асосий рол ўйнади.

Собиқ СССР да 5 июн 1931 йил Наркомзем таркибида биринчи карантин хизмати ташкил қилинган. Карантин хизматининг 1961 йил 21 июлда биринчи, 1980 йил 28 майда иккинчи Қарори қабул қилинган. 1967 йил 10 августда Ўсимликларни ташқи карантин қоидаларида 70 та объектни карантин объекти сифатида кўрсатилган. Ўсимликлар карантин хизмати Низомида унинг мақсади ва вазифалари, мансабдор шахсларнинг бурч ва мажбуриятлари кўрсатилган. Шу даврдан бошлаб денгиз, дарё портлари, аэропорт, темир йўл ва назорат пунктларида карантин назорати амалга оширилди.

1913-1914 йилларда Миср Араб Республикасидан Россияга келтирилган пахта толасида пахта куяси борлиги аниқланган. Шундан бошлаб ташқаридан келадиган юкларни карантин назоратидан ўтказиш тадбирлари ишлаб чиқилган.

Давлат карантин инспекцияси 1979 йилдан бошлаб Қишлоқ хўжалиги Вазирлиги қошидаги Ўсимликларни химоя қилиш бош бошқармасига, 1995 йилдан ЎзР ВМ қошидаги Республика ўсимликлар Бош Давлат карантин инспекциясига айлантирилган.

Республикада карантин тадбирлари ўтказиладиган хашаротлар, касалликлар ва бегона ўтлар дастлабки рўйхати 2002 йилда эълон қилинган бўлиб, 30 та объектни, жумладан 9 таси Европа, Ўрта ер денгизи ўсимликларни химоя қилиш ташкилоти тавсияси асосида карантин объекти ҳисобида рўйхатга олинган.

Ўзбекистон давлати учун карантин аҳамиятига эга бўлган ўсимлик, зараркунандалар, касалликлар ва ашаддий бегона ўтларнинг 2006 йилдагидаги рўйхатида республика ҳудудида учрамайдиган карантин зараркунандалар 58 та, ўсимлик касалликлари 17 та, нематодалар 4 та, бактериал касалликлар 9 та, вирус касалликлари 11 та, бегона ўтлар 33 та деб кўрсатилган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич зараркунандаларда 60 та, ўсимлик касалликлари 16 та, нематодалар 4 та, бактериал касалликлар 9 та, вирус касалликлари 11 та, бегона ўтлар 36 та ни ташкил қилганлиги (2008 ) карантин объектлар сони мунтазам ўзгариб туришини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси ўсимликлар карантини Бош Давлат инспекцияси қошидаги Карантин лабораторияси республикада мавжуд турдош ташкилотларга ташкилий, услубий ва илмий йўналишларни амалга оширишда раҳбарлик қилиб келмоқда. Унинг фаолиятининг бошланиши 1934 йилдан карантин инспекцияси ташкил қилинган даврга тўғри келади. Инспекциянинг дастлабки даврдаги фаолиятида зарарли хашаротларга ( олма мева хўри, комсток қурти) қарши биологик кураш чораларини ишлаб чиқаришга қаратилган.

Карантин инспекцияси ходимлари мевали боғлардаги, дарахтларнинг кўчатларидаги зарарли хашаротларга қарши кимёвий химоя қилиш мақсадида пестицидларнинг самарадорлигини аниқлаш, фумигация жараёнининг самарадорлигини аниқлаш ва карантин объектларининг янги ареалларини аниқлаш билан шуғилланган.

Карантин инспекцияси республика ҳудудига хорижий давлатлардан хавфли карантин объектларини кириб келишини олини олиш тадбирларини белгилаш билан шуғилланади. Бунинг учун мамлакат ичкарасидаги ва хориждан келтирилган товарларнинг фитопатологик, энтомологик, бактериологик ва гербологик текширишни амалга оширади.

Республика Бош Давлат карантин лабораторияси ҳар йили 18181 та хориждан келтириляётган ва четга чиқариляётган юкларни назорат қилади. Жумладан, фитопатологик экспертизадан 8753 та, микробиологик экспертизадан 3515 та намуналар ўтказилиб, карантин объектлар аниқланмаган бўлса, 5977 та намуналар энтомологик экспертизадан ўтказилганда 5 та турдаги карантин объектлари аниқланган. Гербологик экспертизадан ўтказилган 3084 та таҳлилдан 9 та карантин объектлари борлиги аниқланган.

Хориждан келтириляётган турли юкларнинг, ўсимлик намуналари, уруғларини карантин назорати интродукцион карантин питомникларда амалга оширади. ЎзР Ўсимликшунослик институти карантин питомнигида Ер юзининг 6 та давлатидан 8 та турдаги ўсимликларнинг 795 та намунаси карантин назоратидан ўтмоқда. Р.Р. Шредер номдаги боғдорчилик, картошқачилик илмий тадқиқот институтидаги карантин питомнигида АҚШ дан келтирилган олча, гилос, ўрик, олхўри, шафтоли турлари, Пахта селекцияси ва уруғчилиги институтида АҚШ дан келтирилган 3 та, Австралиядан 1 та, Италиядан 75 та турдаги ғўза навлари синовдан ўтмоқда.

Ўз Р ФА “Ботаника” ИИЧМнинг Ботаника боғида 1941 та манзарали ва дарахт ўсимликларининг уруғларининг намуналари ўрганилса, Ғаллаорол карантин питомнигида ИКАРДА Халқора ташкилотидан келтирган буғдой, шоли, арпа ва бошқа ғалла экинларининг 2129 та намунаси синовдан ўтмоқда. Республика карантин лабораторияси тадқиқотлари асосида Республика учун карантин ҳисобланган 8 та ҳашарот ва 3 та бегона ўтлар аниқланган.

Республика худудидаги экинзорларда карантин бегона ўтлардан зарпечак, эрмон баргли амброзия, судралувчи какра, ҳашаротлардан ғўза куяси, цитрус инли куяси ва антракноз касаллигини тарқалишини олдини олиш мақсадида мунтазам назорат ишлари олиб борилмоқда. Хар йили Америка оқ капалагининг тарқалишини назорат қилиш учун 2733 га, калифорния қалқондорини 8943 га, шарқ мевахўри 8140 га, Комсток курти 8943 га, цитрус оқ каноти 419 га, филлоксера 1381 га, цитрус инли куяси 286 га мевали ўсимликларнинг куйдиргиси 3761 га майдонлардаги боғлар ва экинзорлар қаратнин назоратидан ўтказилган.

Республика карантин инспекцияси лабораторияси ходимлари ўсимликлар карантини бўйича тўпланган тажрибаларни умумлаштириб, карантин объектларнинг турлар таркибини, экологиясини, биологиясини ўрганиш асосида карантин объектларни текшириш ва карантин экспертизасини, объектларни зарарсизлантириш усуллариини такомиллаштириш борасида ишлар олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси ўсимликлар карантини Бош давлат инспекцияси қошида фаолият кўрсатаётган Карантин илмий маркази Республикада фаолият кўрсатаётган карантин инспекцияси ходимларини ўқитиш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш бўйича илмий ва методик ишларни амалга оширмоқда.

### **Саволлар:**

Бегона ўтлар ва уларга қарши кураш чоралари фанининг биология фанлари орасида тутган ўрни қандай?

Фанининг мақсади ва вазифалари нимадан иборат?

Республикада фитосанитар назорат олиб борадиган ташкилотларнинг вазифалари нима?

Карантин тадбирлари қандай ўтказилади?

Карантин объектларни ўрганиш тарихи қандай?

Республика карантин лабораториясининг вазифаси ва амалга оширилган ишларининг моҳияти қандай?

### **1.3. Ўсимликлар карантини тизимининг ташкилий тузилиши.**

Хорижий давлатлардан мамлакат ичкарасига зарарли хашарот, хавfli касаллик ва бегона ўтлар уруғининг кириб келмаслигини Ўсимликлар карантини Низомига асосан Республика Вазирлар Махкамаси қошидаги Республика ўсимликлар карантини Бош Давлат инспекцияси амалга оширади. Бу ташкилот ўсимликлар карантини бўйича ташкилий ва режали назорат ишларини мазмунини белгилайди ва унинг бажарилишини назорат қилади.

Давлат чегараларидаги ўсимликлар карантини инспекцияси (карантин лабораторияси ва фумигация отряди билан) кўшни давлат чегараларида ва вилоятлар орасида фаолият кўрсатади. Шаҳар ва туманлараро карантин инспекцияси белгиланган ҳудуддаги назорат ишларини амалга оширади.

Туман карантин инспекцияси, дарё, денгиз портларида, темир йўлларда, аэропортларда, бош почталар ва давлатлараро йўлларда ташкил қилинади.

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги қошида Ўсимликларни химоя қилиш институти ва Ўсимликлар карантини Бош Давлат инспекцияси қошида карантин лабораторияси фаолият кўрсатади. Лаборатория ходимлари карантин инспекцияси ходимларига, питомникларнинг нав синаш участкалари ходимларига услубий ёрдам ташкил қилади. Зарур ҳолларда карантин объектларнинг фитосанитар назоратини амалга оширади, ходимлар малакасини ошириш учун семенарлар ташкил қилиш ва ўқитиш ишларини ташкил қилади.

Ўсимлик махсулотларини зарарли хашарот ва касалликлардан тозалаш учун 1962 йилдан бошлаб фумигацион отрядлар ташкил қилинган. 1981 йилгача 24 млн. т карантин юклар, 2 млрд дона кўчатлар фумигация қилинган. Биргина 1980 йилда 1,5 млн.т ҳар хил махсулотларга ишлов берилган.

Республика карантин хизмати тизимини куйидаги схемада бериш мумкин:

- Республика Бош Давлат карантин инспекцияси (ЎЗР ВМ қонуни);
- Давлат чегара масканларида ва вилоятларда ташкил қилинган инспекциялар;
- Карантин лабораториялари;
- Фумигацион отрядлар;
- Ўсимликлар карантини бўйича шаҳар ва районлараро инспекциялар;
- Ўсимликлар карантини бўйича дарё портларида, аэропортларда, почталарда, шоссе йўлларидаги инспекциялар;
- Карантин инспекцияси ўқув методик маркази.

### **1.4. Қишлоқ хўжалик ўсимликларини фитосанитар назоратини ўтказишда кузатиш усуллари**

Қишлоқ хўжалик ўсимликларини касалликларини тарқалиши ва ҳосил бўлишини назорат қилишда туззоқ кўйиш усули яъни силлиқ юзада ҳосил қилинган ёпишқоқ моддага ёпишган спораларни, мицелийларни ушлаб қолиш усули асосий рол ўйнайди. Бунинг учун озика муҳити солинган Петри

ликопчаси ёки буюм ойнаси юзасига вазелин, глицеринли желатина аралашмаси суркалиб ўсимлик олдига, таёкча, тупроқ устига қўйилиб маълум муддатдан кейин микроскоп остида назорат қилиб борилади. Буюм ойнаси юзасида аниқланган споралар миқдорига қараб экинзорнинг споралар билан зарарланган даражаси ҳисоблаб чиқилади. Петри ликопчалари эса термостатга инкубация учун қўйилиб униб чиққан колониялар сонига қараб хавонинг ифлосланган даражаси аниқланади.

Ўсимлик қолдиғи, тупроқ, уруғ ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларида учрайдиган микроорганизмларни аниқлаш учун нам камера усулидан фойдаланилади. Аниқланган замбуруғ, бактериянинг турига қараб экинзор ёки автоуловларнинг зарарланган даражаси аниқланади.

Карантин назоратида қуйидаги материаллар назорат қилинади:

Қишлоқ хўжалик экинларининг уруғи, кўчатлари, манзарали ўсимликлар, пиёзбошлар, туганаклар ва мевалар;

Бактерия, замбуруғ, вирус, нематода ва ҳашаротларнинг намуналари;

Ҳашаротлар, замбуруғлар коллекцияси, бегона ўтларни гербарийлари, уруғлар намунаси;

Тупроққа ишлов берувчи машиналар ва меҳнат қуроллари;

Соноат товарлари, қутилар, идишлар, бегона ўтлар;

Ўсимлик маҳсулотлари сақланадиган омборхоналар.

### **1.5. Жаҳон фитосанитария халқаро ташкилотларининг ташкил қилиниши ва вазифалари.**

#### **Халқаро ўсимликлар ҳимояси ва карантини бўйича Конвенция**

Халқаро ўсимликлар ҳимояси ва карантини бўйича Рим конвенцияси 1 май 1951 йилда 15 та давлат иштирокида тузилган. Собиқ СССР давлати 1956 йилда бу конвенцияга аъзоликка қабул қилинган. Халқаро ўсимликлар ҳимояси ва карантини бўйича конвенциянинг янги Низоми Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ овқат ва қишлоқ хўжалиги бўйича халқаро ташкилотнинг 1997 йилдаги 29 сессиясида қабул қилинган. Европа ва Ўрта ер денгизи региони давлатларининг ўсимликлар ҳимояси ва карантини бўйича Халқаро ташкилотга собиқ СССР 1957 йилда қабул қилинган ва унинг Низоми 2004 йилда рус тилига таржима қилинган.

Европа ва Ўрта ер денгизи региони давлатларининг ўсимликлар ҳимояси ва карантини бўйича Халқаро ташкилотга инглиз ва француз тилида иш юритишига рухсат этилган. Унинг рус тилида иш юритишига унинг ижро этиш кенгашининг махсус сессиясида рухсат этилган. Бу халқаро ташкилотларнинг асосий вазифаси конвенцияга аъзо давлатларни энг хавфли касаллик ёки зарарли организмлар тўғрида консультация ташкил қилиш ва маълумот беришдан иборатдир.

Хозирги кунда Европа ва Ўрта ер денгизи региони давлатларининг ўсимликлар ҳимояси ва карантини бўйича Халқаро ташкилотга МДХ

давлатларидан Россия ,Украина, Эстония, Латвия, Литва, Қирғизистон (2002), Белоруссия (2003),Қозоқистон (2004) Ўзбекистон (2005) аъзо бўлиб кирган. Грузия яқин йилларда қабул қилинмоқчи. Франсуз тилида иш юритувчи Европа ва Ўрта ер денгизи региони давлатларининг ўсимликлар ҳимояси ва карантини бўйича Халқаро ташкилотнинг аъзолари қаторига Франция, Белгия, Швейцария ва Люксембург давлатлари киради.

### **Саволлар:**

1. Ўсимликлар карантини тизимининг ташкилий тузилиши қандай?
2. Қишлоқ хўжалик ўсимликларини фитосанитар назоратини ўтказишда қандай кузатиш усулларидан фойдаланилади?
3. Халқаро ўсимликлар ҳимояси ва карантини бўйича конвенция қачон ташкил қилинган ва унинг вазифаси қандай?
4. Европа ва Ўрта ер денгизи региони давлатларининг ўсимликлар ҳимояси ва карантини бўйича Халқаро ташкилотга қандай давлатлар қабул қилинган?
5. Республика ўсимликлар карантини Бош Давлат инспекцияси қандай ишларни амалга оширади?
6. Ўсимликлар карантини Бош Давлат инспекцияси қошида карантин лабораторияси қандай вазифани бажаради?
7. Республика карантин хизмати тизимини қандай схемада бериш мумкин?

## ШБОБ

### Ташқи ва ички карантин

=====

Ташқи карантиннинг асосий вазифаси мамлакат худудига карантин объектларини кириб келишига йўл қўймасликдир. Ташқи карантин республикада худудига бошқа давлатлардан кириб келаётган маҳсулотларни Республика карантин инспекцияси тамонидан махсус сертификатлари мавжуд бўлган тақдирда кириб келишига рухсат этилади. Сертификат маҳсулотни олиб келаётган транспорт воситаси хужжатлари қаторида экспорт қилаётган давлат тамонидан берилиб, махсус рухсат этилган йўналиш бўйича олиб кирилади.

Республика худудига карантин объектларини олиб кириш давлатлараро тузилган ўсимликлар карантини ва химояси бўйича конвенция - битим асосида амалга оширилади.

Республикада учрамайдиган ва мавжуд ўсимликларнинг инфекция касалликларига, зарарли хашоратларга ва экинзорлардаги бегона ўтларга қарши кураш, тарқалишини олдини олиш бўйича тадбирларни амалга ошириш ўсимликлар карантини инспекциясининг вазифасига киради. Карантин объектларнинг биологик хусусияти патоген микроорганизмларнинг географик тарқалиши ва янги шароитга мосланишига боғлиқ. Давлатлар орасидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан товар айри бошлаш янги касалликларнинг келиб чиқишига ва тарқалишига олиб келмаслиги учун қатъий карантин назоратини ўрнатиш лозим. Уруғлик ва кўчатлик материалларнинг намаён бўлмайдиган яширин инфекция ва хашаротлар билан зарарланганлигини аниқлаш мақсадида улар интродукцион карантин питомникларни бир йил давомида назоратдан ўтказилади.

АҚШ худудига 200 дан ортиқ замбуруғ ва бактериялар, 100 дан ортиқ хашаротлар чет эллардан олиб келинган. Масалан; каштаннинг рак касаллиги (*Endothica parasitica* And. Et End), ильмоухларнинг голланд касаллиги (*Graphium ulmi* Schw), картошка раки (*Synchytrium endobioticum* Pers.), буғдойнинг поя қора куяси (*Urocystis tritici* Liro) кабилар. Америкадан Европага картошканинг фитофториоз, крижовникнинг ун шудринг, узумнинг ун шудринг касалликлари карантин тадбирлари қўлланишига қарамасдан тарқалган касалликлар қаторига киради.

Ташқи карантин ёки халқаро карантиннинг мақсади Республикада худудига бизда учрамайдиган бегона ўт ва касалликларни кириб келишига йўл қўймасликдир. Республикага келтириладиган ўсимлик, мева, полиз экинлари, илдизи, пиёзбошлари, уруғи, бактерия ва замбуруғларининг коллекцияси тупроқ, идишлар орқали кириб келмаслигини тامينлаш керак.

Намуналарда хашорат, касаллик ва бегона ўтлар аниқланган тақдирда уни зарарлантириш мумкин бўлмаган тақдирда 3-5 кунда экспорт қилувчи мамлакатга қайтарилади ёки йўқ қилиб ташланади.

Бизда учрамайдиган касалликлар қаторига гўзанинг антракноз (*Colletotrichum Gossypii* southw.), картошка раки (*Synchytrium*

*endobioticum P.*), цитрусларнинг бактериал раки (*Xanthomonas citri Dowson.*), цитрусларнинг бактериал куйиши (*Pseudomonas citriputaele Stapp.*), олхўрининг қора рак (*Plowringthia morbosa Sacc.*) ва буғдойнинг поя қора куяси касалликлари кириб, уларнинг Республикамиз худудига киришига йўл қўймаслик керак.

Ички карантин мамлакат ичидаги кичик ареалда учрайдиган касаллик ларни бошқа худудларга тарқалишига йўл қўймасликдир. Бунинг учун касаллик мавжуд жойларни мунтазам ўрганиб туриш, уларга қарши курашни ташкил қилиш ва инфекция манбаларини йўқ қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш лозимдир. Ички карантин бўйича дастлабки ташкилий ишлар 1931 йилдан бошланган.

Ички карантин тадбирлари Республика карантин инспекцияси Низоми асосида назорат қилинади. Бунинг учун Республика карантин инспекцияси ва унинг жойлардаги назорат пунктлари экинзорларда, боғларда ва ўтлокзорларда мунтаззам кузатиш ишлари олиб боради. Бу жойларда зарарли бегона ўт, хашорат ва касалликлар аниқланган тақдирда унинг тарқалишини олдини олувчи кураш чораларини белгилаб беради.

Бирор бир бегона ўт, касаллик, хашоратларнинг мавжудлиги тўғрисида маълумот аниқланган тақдирда бу жойларда вақтинчалик карантин минтақаси деб белгиланади вабу инфекция манбайини бартараф қилиш учун тадбирлар ишлаб чиқади. Бундай жойлардан махсулотларни олиб чиқиш фақат махсус рухсат этилган сертификат берилган тақдирда рухсат этилади.

Карантин объектларнинг тарқалишини олдини олиш мақсадида карантин объектлар билан ишлайдиган илмий тадқиқот институтларига Республика карантин бошқармаси тамонидан рухсат этилган махсус Низом асосида тадқиқотлар олиб бориш рухсат этилади.

Карантин объектлари билан ишлаш учун Бош карантин инспекциясининг рухсатномаси берилади. Тадқиқот мавзулари Бош карантин лабораторияси билан келишиб тасдиқланади. Бунинг учун тадқиқот ўтказиш жойи аниқланади, тадқиқот ўтказиш талаблари ишлаб чиқилади. Тадқиқот ўтказувчиларнинг маъсул кишилари аниқлангандан кейин бу жойга бошқа кишиларнинг кириши тақиқланади. Карантин талабларини бажарилишини вилоят карантин инспекцияси назаорат қилади. Карантин объектларини Бош карантин лабораториясини рухсатсиз бошқа ташкилотларга уруғ, гербарий, микроорганизмлар коллекциясини бериш тақиқланади. Берилган холларда ташкилот рахбари ва ижрочилар иштирокида далалотнома тузилиб, ҳисоб қилиш мақсадида махсус журнал тузилади. Иш жараёнида фойдаланилган халат, махсус кийимлар, иш куроллари, идишлар фақат тадқиқот давомида фойдаланилиб, иш тугагандан кейин улар махсус воситалар ёрдамида зарарсизлантирилади. Фойдаланилган озика мухитлари, ўсимлик, емларининг қолдиқлари стрелизация қилиниб, вилоят инспекция бошлиғи иштирокида йўқ қилинади.



## **2.1.Ички ва ташқи карантин тадбирлари.**

Мамлакат ичкарасига ўсимлик ва ўсимлик махсулотларини олиб кириш учун товарни экспорт қилувчи давлат томонидан берилган хорижий карантин рухсатномаси бўлган тақдирдагина рухсат этилиб, бу материалларни фойдаланиш тартиби белгиланади. Мамлакат ичкарасига карантин материаллардан зарарли хашаротлар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлар, тирик балиқлар, бактериялар, вируслар, нематодалар намуналарининг кириб келишига имкон берилмайди.

Қимматли ўсимликлар уруғлари, кўчат намуналари илмий тадқиқот ишларини олиб бориш учун карантин тадбирлари ўтказилган тақдирда рухсат этилади.

Хорижий давлатлардан Республикамиз граждандарига почта орқали ўсимлик уруғлари, кўчатлар, мевалар, сабзавотлар юборилиши мумкин эмас.

Мамлакат худудидан олиб ўтиладиган транзит товарлар Республика карантин инспекцияси тамонидан назорат қилингандан кейин рухсат этилади. Мамлакатимиз чегара худудидаги карантин пунктлари Республика карантин инспекцияси томонидан аниқланади. Бу пунктлардан ўтайдиган автотранспортлар: юк машиналари, енгил автомобил ва автобуслар назоратдан ўтказилади. Халқаро почталарда карантин инспекторлари томонидан назорат амалга оширилади.

Мамлакатга келтирилган товарларда карантин объектлари аниқланган тақдирда тезда кимёвий ва рентген нурлари билан ишлов бериш ёки фумигация қилиш усулидан фойдаланиб зарарсизлантирилади. Айрим объектларда яширин белгилар сақлаган уруғлар ва кўчатлар интрадукцион карантин участкаларида ёки карантин оронжерияларида бир йил муддатда кузатилгандан кейин тарқатишга рухсат этилади.

Республика худудида учрамайдиган карантин объектлари билан олиб бориладиган тадқиқотлар ҳам Республика Бош карантин инспекцияси ва марказий карантин лабораторияси билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Зиғир, маккажўхори, қанд лавлаги каби ўсимликларнинг уруғларини “пасмо”, буғдойнинг сариқ бактериози, буғдойнинг бактериал сўлиши, лавлагининг кумушранг касалликлари учрамаган давлатлардангина келтиришга рухсат этилади.

Ўсимликларда касаллик келтириб чиқарадиган замбуруғ, бактерия, вирусларнинг тирик намуналари ва ўсимликларни зарарлайдиган хашарот, нематода ва бургаларнинг намуналарини мамлакатга киритилиши қатъий тақиқланади.

Мамлакатга кириб келаётган барча ўсимлик намуналари ва уруғлик материаллар карантин постларида замбуруғ, бактериал, вирус касалликлари билан касалланмаганлиги қатъий назоратдан ўтказилади. Бу материалларни касалланмаганлик даражасини аниқлаш учун интродукцион карантин питомниклар ташкил қилинган бўлиб, улар экин майдонидан ажратилган

майдонларда кузатишлар олиб боради. Интродукцион карантин питомниклар ўз ишларини махсус карантин шароитида олиб бориб, касаллик ва бегона ўтларнинг тарқалишини олдини оладиган тадбирларни ўтказилади.

Республикамизда шундай питомникларнинг 3 таси мавжуд бўлиб, пахта бўйича Пахта селекцияси ва уруғчилиги институтида, дон дуккакли экинлар бўйича Ўсимликшунослик институтида, резвор ва мевали ўсимликлар бўйича Шредер номидаги Мевачилик, узумчилик ва картошкачилик илмий тадқиқот институтида питомниклар ташкил қилинган.

Бу майдонларда 1 ва 3 йил давомида намуналарнинг касаллик қўзғатувчилардан тозалиги аниқлангач, этиштирилган ўсимликлар олиган биринчи репродукция уруғлар илмий тадқиқот институтларига келгусида кузатиш ва ўрганиш учун тарқатилади. Уруғлик материалларни шундай тартибда мамлакат ичкарасига олиб кирилиши хавфли касаллик ва бегона ўтларнинг тосадифий равишда кириб қолишининг олдини олади ва хорижда яратилган порлоқ навларни мамлакатимизда келажаги этиштиришнинг истекболларини очиб беради.

Карантин материалларини мамлакат ичкарасига олиб кириш Республика ўсимликлар карантини Бош Давлат инспекцияси тамонидан берилган махсус сертификат асосида амалга оширилади. Карантин сертификатида хориждан келтирилган махсулотларнинг карантин қоидалари асосида олиб кириш кўрсатилган бўлади.

Республикамиз чегарасида жойлашган карантин масканларида карантин материалларни бирламчи карантин назоратидан ўтказилади. Мамлакатга олиб кириладиган материаллар карантин объектлар билан зарарланганлиги аниқланган тақдирда кириб келаётган материаллар партияси олиб келинган мамлакатга қайтарилади, йўқ қилинади ёки зарарсизлантирилади.

Термез чегара масканида хориждан келтирилаётган материалларни фумигация қиладиган вакуум станция мавжуд бўлиб, келтирилаётган материаллар бу жойда зарарсизлантирилади.

Мамлакатга келтирилаётган материалларни қабул қилиб олиш пунктида ўтказиладиган иккиламчи карантин текшируви ҳам асосий рол ўйнайди. Барча карантин қоидалари асосида текширишдан ўтказилган материалларни юкни қабул қилиб олувчига ундан фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

### **Саволлар:**

1. Ички карантин тадбирларига нималар киради?
2. Ташқи карантин тадбирларига нималар киради?
3. Мамлакатга келтирилган товарларда карантин объектлари аниқланган тақдирда улар қандай зарарсизлантирилади?
4. Мамлакатга кириб келаётган барча ўсимлик намуналари ва уруғлик материаллар қандай карантин назоратидан ўтказилади?
5. Интродукцион карантин питомникларда қандай тадбирлар ўтказилади?

6.Мамлакатга олиб кирилатган материаллар карантин объектлар билан зарарланганлиги аниқланган тақдирда қандай қарор қабул қилинади?

## ШБОБ

### Карантин бегона ўтларининг экспертизаси

=====

Карантин бегона ўтларининг экспертизасининг мақсади қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг Республикада учрамайдиган ёки карантин объекти ҳисобланган бегона ўтларинг уруғлари, мевалари билан ифлосланганлик даражсини аниқлаш ва уларга қарши карантин тадбирларини қўллашдир.

Бу бўлим Ўзбекистон Республикаси учун карантин объекти ҳисобланган бегона ўтларни аниқлаш ва уларга қарши карантин тадбирларини ўтказиш масаласини таҳлил қилишга бағишланган.

#### **3.1. Карантин бегона ўтлар тўғрисида қоидалар.**

Карантин бегона ўтларнинг тарқалишини чегаралаш мақсадида Республикадаги уруғчилик хўжаликлари карантин бегона ўтлар учрайдиган далалардан узоқда жойланиши керак. Уруғлик участкаларда карантин бегона ўтлар тарқалиши аниқланган тақдирда бундай далаларда ўсадиган ўсимликлар бир метр масофада ўриб олинади ва бегона ўтлари йўқ қилинади. Натижада уруғлик материалларнинг карантин бегона ўтлар уруғи билан зарарланиш хавфи барҳам топади.

Уруғчилик хўжаликларида тайёрланган уруғлар уруғ назорат лабораторияси текширишидан ўтгандан кейин, уруғ тозалигини тасдиқловчи сертификат билан бошқа жойларга ташишга рухсат этилади.

Карантин бегона ўтлар уруғи билан зарарланган уруғлар экишга рухсат этилмайди. Бундай уруғлар икки қаватли матодан тикилган қопларда уруғ тозалаш пунктига тозалаш учун жўнатилади. Бундай уруғларни тозалашдан чиққан чиқиндилар Давлат Бош карантин инспекцияси рухсати билан майдаланган ҳолда чорва молларига озика сифатида фойдаланиши мумкин. Озика учун яроқсиз деб топилган учуғ чиқиндилари умумий қабул қилинган қоидалар асосида ёқиб ташланади ёки 1 м чуқурликдаги хандакларга кўмиб ташланади ва қайта фойдаланишга рухсат этилмайди.

Зарарланган уруғларни ва уларнинг чиқиндиларини ташиган транспорт воситалари ва идишлар яхшилаб тозаланиши зарур. Карантин бегона ўтлар билан зараланган озик овқатга мўлжалланган дон маҳсулотлари бозорда ёки савдо тизимларида сотишга рухсат этилмайди. Бундай уруғлар ҳам бегона ўт уруғларидан тозаланиши ёки майдаланишга жўнатилиши керак.

#### **3.2. Карантин бегона ўтларнинг тарқалишини олдини олиш тадбирлари.**

Республикада карантин тўғрисидаги Қонунни амалга ошириш учун қуйидаги карантин тадбирлари ишлаб чиқилган:

1.Бошқа мамлакатлардан уруғлик ва кўчат махсулотларини олиб келишда бундай махсулотлар фақат карантин инспекциясининг рухсати билан келтирилади.

2.Республика ичида уруғлик материалларни ташишда фақат кондинцион уруғлик ёки тоза дон махсулотларини ташиш уруғ назорат лабораториясининг карантин бегона ўтлардан тозалигини тасдиқлайдиган сертификати мавжуд бўлганда рухсат этилади.

3.Карантин бегона ўтлар билан зарарланган районлардан озиқ овқат ва уруғлик материалларни бошқа вилоятларга ташиш карантин инспекцияси рухсати билан амалга оширилади.

4. Ариқ, канал, коллектор ёқалари, йўл бўйлари ва дала атрофидаги жойларда учрайдиган бегона ўтлардан далаларни тозалашда кимёвий, оловда куйдириш ёки механик усулдан фойдаланилади.

5.Ўтлоқлардаги захарли ва карантин бегона ўтлар механик, кимёвий ва оловда куйдириш усулида йўқ қилинади.

6.Фермер хўжаликлари ходимлари ёрдамида карантин инспекцияси маслаҳатлари асосида райондаги барча хўжаликлар, боғлар, ўтлоқлар, томорқалар, экинзорлар карантин бегона ўтлар билан зарарланганлик даражаси аниқланди.

7.Ўзбекистон Республикаси Бош Давлат карантин инспекцияси ходимларининг вазифаси юқорида кўрсатилган барча тадбирларни хўжаликларда амалга ошишини назорат қилиш ҳисобланади.

### **3.3.Карантин бегона ўтларни далаларда тарқалишини аниқлаш усуллари.**

Қишлоқ хўжалик экинлари этиштириладиган далаларни (ховлилар, омборхоналар, тайёрлаш пунктлари, қишлоқ хўжалик махсулотларини қайта ишлаш корхоналари, аэропорт майдонлари, транспорт воситаларини) карантин бегона ўтлар билан зарарланганлигини текшириш уларнинг тарқалиш хавфини олдини оладиган, уларнинг пайдо бўлган майдонларини ўз вақтида аниқлаб бартараф қилиш имконини берадиган асосий тадбир ҳисобланади.

Хўжаликларнинг экин далаларини карантин ҳолатини текширишдан мақсад мавжуд майдонларнинг ҳолатини ва зарарланиш даражасини аниқлаш имконини беради. Текшириш ишларини амалга ошириш карантин инспекцияси ходимлари раҳбарлигида, район агросаноат ташкилоти ходимлари билан бирга олиб борилади.

Карантин текширишини олиб бориш усуллари:

- 1.Ўсимликнинг ер усти ва ер ости қисмини текшириш;
- 2.Тупроқни кавлаб текшириш;

Экин далаларида гумон қилинган бегона ўтлар намунаси аниқланган тақдирда, улардан гербарий намуналари олинади. Тайёрланган гербарийдан бегона ўтларнинг турини аниқлашда фойдаланилади.

Зарпечакларнинг тарқалишини аниқлаш учун бедазорлар, каноп, сабзавод экинзорлари, манзарали ўсимликлар экилган далалар кўндалангига кесиб текшириб чиқилади. Текшириладиган экин майдони 50-70 гани ташкил қилиши ва текширишапрел ойларида ўтказилиши керак.

Бир йиллик бегона ўтларнинг тарқалишини аниқлаш учун ғаллазорлар текширилганда 100-150 га майдонни текширилади. Карантин объект деб ҳисобланган ўсимликлардан гербарий тайёрланиб турини аниқлаш учун илмий тадқиқот институтларига берилади.

Ҳар бир гербарийга этикетка ёзилиб, унда ўсимликнинг йиғилган жойи, район, фермер хўжалиги, терилган вақти ва терган ходимнинг фамилияси кўратилади.

### **3.4. Карантин бегона ўтларининг экспертизасида қўлланиладиган жихозлар.**

Бегона ўтларни экинзорларда тарқалишини ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларида учрашини текшириш учун бинокуляр МБС 1, пешона бинокуляри БЛ, термостат, қуритиш шкафлари, холодильник, пробиркалар учун челак, техник тарози, пробиркалар учун штативлар, қумли соат зарур. Бундан ташқари темирли ва пласмассали шпателлар, қоп шуплари, дон элагич (0,1 дан 3 мм гача), майда жихозлардан бритва, скалпел, пинцет, нина, микробиологик илгак, қайчи кабилар зарур.

Тадқиқотларни амалга ошириш учун шиша лаборатория жихозларидан: пробиркалар, Кох ва Петри ликопчалари, ҳар ҳил хажмдаги колбалар, буюм ва қоплагич ойна, ботиқ ойна, кимёвий стаканлар, ўлчаш цилиндрлари, томизгичлар, пипеткалар спиртовка, штативлар, эмалли кюветалар, пахта, дока, фильтр қоғозлари зарур.

Бегона ўт уруғларини аниқлаш учун аниқлагичлар, маълумотномалар, ўсимлик гербарийлари, уруғлар коллекцияси керак.

Карантин бегона ўтларининг уруғларини, меваларини, вегетатив аъзоларини аниқлаш учун қуйидаги материаллар анализ қилинади:

1. Барча қишлоқ хўжалик экинлари, мевали дарахтлар, гул ва манзарали ўсимликлар, ўрмон ва ёввойи дарахтлар;
2. Техник, озиқ овқат, уруғлик учун мўлжалланган буғдой донлари;
3. Илмий тадқиқот ишлари учун ва коллекцион материал учун келган уруғ партиялари (3 кг гача);
4. Кўчатлар;
5. Гербарий ва тупроқ намуналари;
6. Жун, сомон, хашак намуналари.

### **3.5. Бегона ўт уруғларининг экспертизаси.**

Озиқ овқат ва уруғлик учун мўлжалланган уруғ ва дон намуналари фитопатологик ва энтомолмогик анализдан ўтгандан кейин герболог мутахассисига анализ учун берилади. Намуналар шаклига қараб элакдан

ўтказилгандан кейин уларнинг ифлосланганлик даражаси кўриб чиқилади. Бунинг учун йирик уруғлар биринчи элакда, иккинчи элакда ўртача ўлчамдаги (амброзия, кунгабоқар, итузум уруғлари), учинчи элакда энг майда уруғлар (зарпечак, стриглар уруғи) ўтказилади.

Намунадаги йирик шаклли уруғлар 3,5x1,8 мм, ғалла ва дуккакли экин уруғлари 2,5x1,8 мм, ўт ўсимликларнинг уруғлари 1,2 мм диаметрдаги элаклардан фойдаланиб элагандан кейин миқдори аниқланади. Уруғларни элаш қўлда амалга оширилиб, элакни олдинга ва орқага ҳаракатлантирилиб ёки айланма ҳаракатлантириб эланади.

Элакдан ўтган уруғлар намуналари алоҳида ойна устига тўкилиб, шпател ёрдамида бўлақларга бўлинади ва 5 марта катталаштириладиган лупа билан кузатилади. Топилган бегона ўтлар уруғи соат ойнасига алоҳида жойлаштирилиб, ҳар бир уруғ намуналари карпологик коллекция, атлас, уруғларни аниқлагичлари ёрдамида турлари аниқланади. Уруғларни аниқлашда бинокуляр лупа ёрдамида кузатиб шакли, уруғ пўстининг юзаси, ранги, ўлчами ҳисоблаб чиқилади.

Бегона ўт уруғини ботаник номенклатураси аниқлангандан кейин карантин уруғларнинг сонини ҳисоблаш бошланади. Ҳисоблаш натижалари карантин экспертизаси баённомасига киритилади. Ҳисоблашлар 1 кг уруғга мос қилиб амалга оширилади. Масалан, 30 г намунада 1 та зарпечак уруғи аниқланган бўлса, 1 кг да 33 та бегона ўт уруғи борлиги аниқланади.

Кичик партиядо (3 кг гача) илмий тадқиқот ишлари учун ёки селекция учун келган уруғлар ҳар бир қопчадагиси алоҳида кўриб чиқилади ва карантин бегона ўтлар уруғи миқдори ва ботаник номи аниқланиб, 110<sup>0</sup> С ҳароратда 60 минут қиздирилиб эгасига топширилади.

### **3.6. Карантин бегона ўтлари уруғларини тупроқда тарқалишини экспертизаси.**

Ҳар қандай тупроқ намунаси ўзида турли бегона ўтларнинг уруғларини сақлайди. Бу уруғларни тупроқдан ажратиш олиш ва аниқлаш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

1. Уруғни тупроқ таркибидан қўлда ажратиш.
2. Тупроқ намуналарини сувда ювиш.
3. Тўйдирилган кучли эритмаларда аниқлаш.

Уруғни тупроқ таркибидан қўлда ажратиш учун тупроқ намунаси стол устидаги ойнага тўкилиб, шпател, пинцет ва лупадан фойдаланиб тупроқ таркибидаги бегона ўтлар уруғи ажратиш олинади. Лекин бу усулдан фойдаланиб экспертиза қилинганда, стрига уруғлари кўринмасдан ўтиб кетиш қолиши мумкин. Шунинг учун стрига ва зарпечак уруғлари намуна ичида учрамаслигига ишонч ҳосил қилинганда бу усулдан фойдаланиш мумкин.

Тупроқ намуналарини сувда ювиш усулида тупроқ намунаси 15-20 см баландликдаги элакларга солиниб, тоғорадаги сувга ботириб қўйилади. Тупроқ заррачалари эригандан кейин кист ва секин оқадиган сув оқимида ҳар бир

элакдаги тупроқ намуналарининг қолдиғи ювилади. Элакда қолган уруғлар бинокулар лупа ёрдамида кузатилиб, уларнинг сони ва ботаник номи аниқланади.

Туйинтирилган эритмалар методидан фойдаланиб тупроқнинг минерал ва органик қисмининг солиштирма оғирлиги бир хил бўлмайди. Тупроқнинг минерал қисми 2,4, органик қисми 1,4 га тенг. Бунинг учун оғир эритмалар сифатида бромформ (4 қисм) ва олтингугуртли эфир (4 қисм) фойдаланилади. Бу аралашманинг солиштирма оғирлиги 1,7 га тенг.

Тупроқ намунасидаги уруғларни ажратиб олиш учун уни кўрсатилган аралашмага солиниб, таёқча билан яхшилаб аралаштирилади. Намунадаги минерал заррачалар идиш тубига чўкса, уруғлар солиштирма оғирлиги кам бўлганидан эритманинг юзасида сузиб юради.

### **Саволлар:**

1. Карантин бегона ўтларининг экспертизасининг мақсади нима?
2. Карантин бегона ўтларнинг тарқалишини чегаралаш мақсадида қандай тадбирлар ўтказилади?
3. Карантин бегона ўтлар уруғи билан зарарланган уруғлар нима мақсадда фойдаланилади?
4. Карантин бегона ўтларни далаларда тарқалишини аниқлаш усуллари қандай?
5. Карантин бегона ўтларининг экспертизасида қандай жихозлар қўлланилади?
6. Бегона ўт уруғларининг экспертизаси қандай ўтказилади?
7. Карантин бегона ўтлари уруғларини тупроқда тарқалишини экспертизаси қандай ўтказилади?




## IV БОБ

### Карантин бегона ўтларнинг уруғи ва мевасининг ботаник характеристикаси.

---

Мевалар келиб чиқишига кўра: ҳақиқий, сохта, оддий, мураккаб ва тўп меваларга бўлинади. Мевалар атроф мухитга тарқалиш учун мева юзасида илгаклар, туклар, элканчалар ҳосил қилади (1-расм).


Ҳақиқий мевалар деб фақат тугунчанинг ўзидан келиб чиққан меваларга айтилади. Сохта меваларда мева ҳосил бўлишида тугунча билан бирга гулнинг бирон қисми иштирок этади. Оддий меваларни ҳосил бўлишида 1 та тугунча иштирок этади. Мураккаб меваларни ҳосил бўлишида бир нечта тугунча иштирок этади. Масалан: кунгабоқар, қоқиўт, айиқтовон ва ҳоказо. Тўп гулдан ҳосил бўлган меваларга тўп мевалар дейилади (2-расм). Мевалар мева қатининг тузилишига кўра хўл ва қуруқ меваларга ажратилади.



**1-расм. Уруғнинг тарқалиши учун илмаклари**

Хўл ва қуруқ мевалар ичидаги уруғларининг сонига кўра 1 уруғли ва кўп уруғли меваларга бўлинади.

Бир уруғли қуруқ меваларга дон, писта, хакалак ва бир уруғли канотли мевалар киради. Кўп уруғли қуруқ меваларга дуккак, кўзоқ, кўзоқча, кўсак, кўсакча ва ҳар хил шаклдаги қутича мевалар киради. (2-расм).




**2-расм. Тўп мевалар.**

А-мураккаб тўп мева (малина); Б, Г-тўп ёнғоқ (лотос); В-тўп уруғли мева (кулупнай); Д- сўта (макажӯхори)

Пистача бир уруғли, бир уяли мева бўлиб, иккита мевабаргчадан ҳосил бўлади, уруғи мева қати билан қўшилиб ўсмайди (кунгабоқар пистаси), донларнинг мева қати уруғга қўшилиб ўсади (буғдой, арпа ва шоли дони). Ёнғоқ меванинг қати (пўчоғи) қаттиқ, ёғочсимон бўлиб, унинг мағизи пўстлоқ ичида эркин туради.

Кўсак бир-бири билан қўшилиб ўсган бир нечта мева баргчадан ҳосил бўлади. Кўсак кўпинча паллалари ажралиб (ғўза кўсаги) ёки тешикчаси (кўкнори) билан очилади. Баъзан меванинг учидаги қопқоқчаси ажралади. Масалан, минг девона.




**3-расм. Очиладиган қурук мевалар.**

А-баргак (испарак); Б-дуккак (ловия); В-кўзоқ (карам); Г-кўзоқча (ачам бити). Очиладиган кўсак мевалар: Д- тешигидан (кўкнори); Е-қопқоғидан (бангидевона); Ж-чаноғидан (ғўза); З- юқори қопқоғидан (чинигул).

Қўзоқ икки уяли чўзиқ мева бўлиб, иккита қуруқ қаттиқ мева баргчанинг қўшилиб ўсишидан ҳосил бўлади. Уруғлари меванинг ўртасидан ўтган сохта парданинг четларига бирикиб туради. Улар икки паллага ажралиб очилади (3-расм). Қўзоқча қўзоққа ўхшаш бўлсада, лекин бир мунча қисқа ва эни бўйидан кенг бўлади.

Бир уруғли ҳўл меваларга бир ёки бир нечта мева баргчадан ҳосил бўлган, серэт мева қати жуда ўсиб кетган бир уруғли данакли мевалар киради. Мева қатининг ички қисми ёғочланиб данак ҳосил қилади, данак ичида уруғи (мағзи ) бўлади. Олча, ўрик, шафтоли ана шундай мевадир.

Ҳакалак ҳам ёғоққа ўхшайди, лекин унинг мева қати учта қаттиқ мева баргчадан ҳосил бўлади (эман ҳакалаги). Қанотли мевалар пистача бўлиб, уларнинг мева қатлами битта ёки бир нечта ингичка қанотсимон ўсимта чиқаради (қайрағочнинг қанотли меваси). Баъзан пистача қўшилиб ўсиб, қўш қанотли мева ҳосил қилади(заранг меваси) (4- расм).



#### 4- расм.Очилмайдиган қуруқ мевалар.

А- ёғоқча (оддий лешина): Б- хакалак (эман): В- икки уруғли мева (укроп): Г- парашютли уруғ (қоқиўт); Д- дон (буғдой); Е-қанотли уруғлар (илма).

Дуккак бир уяли мева бўлиб, битта мева баргчадан ҳосил бўлади, одатда учки чокидан ажралиб очилади. Уруғ паллалари ёпишиб туради (нўхот, ловиянинг мевалари).

Яйма ҳам битта мева баргчадан ҳосил бўлади. Бу мева бир уяли бўлиб, қорин чокидан ажралиб очилади (айиқтовондошларда).

#### Саволлар:

1. Карантин бегона ўтларнинг тарқалишида уруғ ва меваларнинг роли қандай?
2. Карантин бегона ўтлар тарқалиш учун қандай мосламалар ҳосил қилади?
3. Карантин бегона ўтлар уруғини тузилиши қандай ва улар шароитга мосланишида қандай рол ўйнайди?

## VBOB

### Ўзбекистон Республикасининг карантин бегона ўтлар билан зарарланиш ҳолатининг (2012 й.) таҳлили

Республика ҳудудини мамлакат ичкарасида учрамайдиган касалликлардан, хашаротлардан, бегона ўтлардан хорижий давлатлар орқали кириб келишидан ҳимоя қилиш Республика карантин инспекцияси ходимларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Шунингдек, мамлакат ичкарасида янги зарарли манбалар аниқланган тақдирда уларни ўз вақтида ўргана билиш, тарқалишини чегаралаш ва бартараф қилиш ҳам мудим давлат аҳамиятига эга масала ҳисобланади.

Карантин тадбирлари қаторига мамлакат ичкарасига кириб келаётган ва олиб чиқиб кетилаётган махсулотларнинг карантин ҳолатини билиш муҳим ҳисобланади. Бу жараён мавжуд материалларни кўздан кечириш ва лабораторияси экспертизаси асосида амалага ошади. Яъни, карантин инспекторлари томонидан амалга ошириладиган кузатиш ва лаборатория экспертизаси бир бирига узвий боғлиқ бўлган муҳим ишлаб чиқариш жараёни ҳисобланади.

Карантин микроорганизмларнинг зарарини камайтириш мақсадида республика миқёсида қатор карантин тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу тадбирлар қаторига барча экинзорларни, унга экиладиган уруғларни, кўчатларни, саноат ва озиқ овқат махсулотларини мунтазам назорат қилиб, улар карантин объектлар аниқланган тақдирда уларни бартараф қилиш тадбирлари қиради.

Янги йилдаги экинзорларни ҳашорат, касаллик ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишга оид тўлиқ маълумотларга эга бўлиш учун ўтган йилнинг фитосанитар ҳолатига оид маълумотларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга (Жадвал ).

Карантин бегона ўтларнинг номи	Тарқалган						Зарарланган майдон, га		
	Вилоятлар	Туманлар	Шаҳарлар	Аҳоли пунктлари	Ҳўжаликлар	Таморқалар	Ҳўжаликлар	Таморқалар	Жами
Шувоқ баргли амброзия	1	1			1	1	0,500		0,500
Судралувчи какра	14	13	5	338	421	-	17145,709		17145,709
Зарпечак	14	162	12	919	1597	111	4738,414	6,304	4744,718
Девпечак	10	82	7	216	260	6	209,687	0,076	209,763

**Ўзбекистон Республикасининг вилоятларининг карантин бегона ўтлар билан зарарланиш ҳолати**

Вилоят ва шаҳарларнинг номлари	Тарқалган					Зарарланган майдон, га		
	Туманлар	Шаҳарлар	Аҳоли пунктлари	Ҳўжаликлар	Таморқалар	Ҳўжаликлар	Таморқалар	Жами
<b>Шувоқ баргли амброзия</b>								
Тошкент ш.	1	-	-	1	1	0,500	1	0,500
<b>Судралувчи какра</b>								
Қорақолпоқистон Республикаси	9	-	15	20	-	0,100	-	0,100
Андижон	3	-	9	9	-	4,370	-	4,370
Бухора	10	1	24	25	-	36,200	-	36,200
Жиззах	6	-	-	26	-	662,000	-	662,000
Қашқадарё	9	-	-	45	-	445,000	-	445,000
Навий	6	1	55	32	-	71,000	-	71,000
Наманган	11	1	62	62	-	25,200	-	25,200
Самарқанд	14	2	114	114	-	15832,000	-	15832,000
Сурхондарё	8	-	16	20	-	34,700	-	34,700
Сирдарё	2	-	-	3	-	10,400	-	10,400
Тошкент	7	-	7	18	-	18,000	-	18,000
Фарғона	3	-	28	28	-	2,120	-	2,120
Хоразим	6	-	8	10	-	0,119	-	0,119
Тошкент ш.	9	-	-	9	-	4,500	-	4,500
Жами:	103	5	338	421	-	17145,709	-	17145,709
<b>Зарпечак</b>								
Қорақолпоқистон Республикаси	13	-	63	177	8	0,530	0,020	0,550
Андижон	11	-	40	40	-	9,310	-	9,310
Бухора	11	1	166	168	-	204,000	-	204,000
Жиззах	12	1	-	63	-	776,000	-	776,000
Қашқадарё	13	1	-	160	-	585,000	-	585,000
Навий	6	1	57	58	-	251,000	-	251,000
Наманган	11	1	110	110	-	32,200	-	32,200
Самарқанд	14	2	93	199	-	2502,000	-	2502,000
Сурхондарё	13	-	116	122	-	97,300	-	97,300
Сирдарё	8	-	34	103	30	61,349	0,544	61,893
Тошкент	14	-	15	50	-	180,000	-	180,000
Фарғона	15	4	178	241	65	27,710	5,509	33,219
Хоразим	10	1	47	90	8	6,365	0,231	6,596
Тошкент ш.	11	-	-	16	-	5650	-	5650
Жами:	162	12	919	1597	111	4738,414	6,304	4744,718
<b>Девпечак</b>								
Бухора	10	1	35	35	-	5,100	-	5,100
Жиззах	2	-	-	3	-	3,000	-	3,000
Навий	6	1	45	28	-	30,000	-	30,000
Наманган	11	1	35	35	-	3,400	-	3,400
Самарқанд	12	-	16	43	-	130,800	-	130,800
Сурхондарё	11	-	26	25	-	4,100	-	4,100
Сирдарё	4	-	5	4	6	0,127	0,076	0,203
Тошкент	14	3	18	40	-	31,200	-	31,200
Фарғона	7	1	36	41	-	1,700	-	1,700
Тошкент ш.	5	-	-	6	-	0,180	-	0,180
Жами:	82	7	216	260	6	209,687	0,076	209,763

**Қорақалпоқистон Республикасининг туманларини карантин бегона ўтлар  
билан зарарланиш ҳолати**

Туманларнинг номлари	Тарқалган				Зарарланган майдон,га	
	Аҳоли пунктлари	Хўжаликлар	Таморқалар	Хўжаликлар	Таморқалар	Жами
<b>Судралувчи какра</b>						
Амударё	1	1	-	0,005	-	0,005
Қораўзак	1	1	-	0,004	-	0,004
Қўнғирот	2	2	-	0,010	-	0,010
Кегейли	1	2	-	0,004	-	0,004
Тахтақўпир	3	3	-	0,032	-	0,032
Тўрткўл	3	4	-	0,020	-	0,020
Хожайли	2	3	-	0,011	-	0,011
Чимбой	1	2	-	0,004	-	0,004
Элликқала	1	2	-	0,100	-	0,100
Жами:	15	20	-	0,100	-	0,100
<b>Зарпечак</b>						
Амударё	5	12	4	0,022	0,022	0,025
Беруний	4	19	1	0,040	0,002	0,042
Қонликўл	2	8	-	0,013	-	0,013
Қораўзак	6	16	-	0,050	-	0,050
Қўнғирот	9	17	-	0,025	-	0,025
Кегейли	2	7	-	0,015	-	0,015
Мўйноқ	2	11	-	0,015	-	0,015
Тахтақўпир	9	17	-	0,085	-	0,085
Тўрткўл	5	18	1	0,102	0,004	0,106
Хожайли	4	11	2	0,079	0,011	0,090
Шуманай	3	10	-	0,013	-	0,013
Чимбой	6	13	-	0,034	-	0,034
Элликқала	6	18	-	0,037	-	0,037
Жами:	63	177	8	0,530	0,020	0,550

**Андижон вилояининг туманларини карантин бегона  
ўтларбилан зарарланиш ҳолати**

Туманларнинг номлари	Тарқалган				Зарарланган майдон,га	
	Аҳоли пунктлари	Хўжаликлар	Таморқалар	Хўжаликлар	Таморқалар	Жами
<b>Судралувчи қакра</b>						
Асака	3	3	-	1,590	-	1,590
Жалолқудуқ	1	1	-	0,100	-	0,100
Қўрғонтепа	5	5	-	2,680	-	2,680
Жами:	9	9	-	4,370	-	4,370
<b>Зарпечак</b>						
Олтинқўл	5	5	-	0,500	-	0,500
Андижон	12	12	-	2,700	-	2,700
Асака	2	2	-	2,840	-	2,840
Балиқчи	3	3	-	0,200	-	0,200
Бўз	2	2	-	0,400	-	0,400
Жалолқудуқ	2	2	-	0,200	-	0,200
Избосган	1	1	-	0,030	-	0,030
Қўрғонтепа	2	2	-	0,400	-	0,400
Пахтаобод	1	1	-	0,310	-	0,310
Шаҳрихон	4	4	-	0,670	-	0,670
Улуғнор	6	6	-	1,060	-	1,060
Жами:	40	40	-	9,310	-	9,310

**Бухоро вилоятининг туманларини карантин бегона ўтлар  
билан зарарланиш ҳолати**

Туманларнинг номлари	Тарқалган				Зарарланган майдон,га	
	Аҳоли пунктлари	Хўжалик- лар	Таморқа- лар	Хўжалик- лар	Таморқалар	Жами
<b>Судралувчи какра</b>						
Олат	3	3	-	4,000	-	4,000
Бухоро	2	2	-	3,000	-	3,000
Вобкент	2	2	-	3,400	-	3,400
Ғиждвон	3	3	-	4,300	-	4,300
Жондор	3	3	-	4,000	-	4,000
Когон	2	2	-	4,000	-	4,000
Қорақўл	2	2	-	2,000	-	2,000
Қораулбозор	2	2	-	4,000	-	4,000
Пешку	2	2	-	4,000	-	4,000
Ромитон	3	3	-	2,500	-	2,500
Шофиркон	-	1	-	1,000	-	1,000
Жами:	24	25	-	36,200	-	36,200
<b>Зарпечак</b>						
Олат	15	15	-	12,000	-	12,000
Бухоро	2	3	-	7,000	-	7,000
Вобкент	16	16	-	23,000	-	23,000
Ғиживон	18	18	-	25,000	-	25,000
Жондор	17	17	-	11,000	-	11,000
Когон	9	9	-	17,000	-	17,000
Қорақўл	19	19	-	15,000	-	15,000
қараулбазар	9	9	-	50,000	-	50,000
Пешку	14	14	-	8,000	-	8,000
Ромитон	21	21	-	18,000	-	18,000
Шофиркон	26	26	-	15,000	-	15,000
Бухоро ш.	-	1	-	3,000	-	3,000
Жами:	166	168	-	204,000	-	204,000
<b>Девпечак</b>						
Олат	3	3	-	0,400	-	0,400
Бухоро	4	4	-	0,500	-	0,500
Вобкент	3	3	-	0,600	-	0,600
Ғиждвон	4	4	-	0,300	-	0,300
Жондор	4	4	-	0,500	-	0,500
Когон	3	3	-	0,600	-	0,600
Қорақўл	3	3	-	0,300	-	0,300
Пешку	4	4	-	0,700	-	0,700
Ромитон	3	3	-	0,100	-	0,100
Шофиркон	3	3	-	0,600	-	0,600
Бухоро ш.	1	1	-	0,500	-	0,500
Жами:	35	35	-	5,100	-	5,100



**Жиззах вилояти туманларини карантин бегона ўтлар  
билан зарарланиш ҳолати**

Туманларнинг номлари	Тарқалган				Зарарланган майдон,га	
	Аҳоли пунктлари	Ҳўжаликлар	Таморқалар	Ҳўжаликлар	Таморқалар	Жами
<b>Судралувчи қакра</b>						
Бахмал	-	4	-	82,000	-	82,000
Ғаллаорол	-	11	-	172,000	-	172,000
Жиззах	-	3	-	127,000	-	127,000
Зомин	-	4	-	154,000	-	154,000
Фориш	-	2	-	75,000	-	75,000
Янгиобод	-	2	-	52,000	-	52,000
Жами:	-	26	-	662,000	-	662,00
<b>Зарпечак</b>						
Арнасой	-	6	-	36,000	-	36,000
Бахмал	-	6	-	32,000	-	32,000
Ғаллаорол	-	7	-	82,000	-	82,000
Жиззах	-	6	-	132,000	-	132,000
Дўстлик	-	4	-	26,000	-	26,000
Зомин	-	7	-	139,000	-	139,000
Зарибдор	-	4	-	72,000	-	72,000
Зафаробод	-	3	-	62,000	-	62,000
Мирзачўл	-	5	-	38,000	-	38,000
Пахтакор	-	6	-	78,000	-	78,000
Фориш	-	5	-	62,000	-	62,000
Янгиобод	-	3	-	16,000	-	16,000
Жиззах ш.		1	-	1,000	-	1,000
Жами:	-	1	-	776,000	-	776,00
<b>Девпечак</b>						
Ғаллаорол	-	2	-	1,000	-	1,000
Жиззах	-	3	-	3,000	-	3,000

**Кашкадарё вилоятининг туманларини карантин бегона ўтлар  
билан зарарланиш ҳолати**

Туманларнинг номлари	Тарқалган				Зарарланган майдон,га	
	Аҳоли пунктлари	Хўжаликлар	Таморқалар	Хўжаликлар	Таморқалар	Жами
<b>Судралувчи какра</b>						
Вузор	-	3	-	43,000	-	43,000
Қамаши	-	5	-	55,000	-	55,000
Қарши	-	5	-	59,000	-	59,000
Каспи	-	6	-	32,000	-	32,000
Китоб	-	5	-	65,000	-	65,000
Нишон	-	6	-	48,000	-	48,000
Чирокчи	-	4	-	37,000	-	37,000
Шахрисабз	-	6	-	59,000	-	59,000
Косон	-	5	-	47,000	-	47,000
Муборак						
Жами:	-	45	-	445,000	-	445,000
<b>Зарпечак</b>						
Вузор	-	12	-	58,000	-	58,000
Қамаши	-	24	-	52,000	-	52,000
Қарши	-	18	-	79,000	-	79,000
Каспи	-	16	-	75,000	-	75,000
Китоб	-	6	-	14,000	-	14,000
Нишон	-	5	-	85,000	-	85,000
Деқонобод	-	2	-	1,000	-	1,000
Чирокчи	-	9	-	12,000	-	12,000
Миришкор	-	16	-	40,000	-	40,000
Яккабоғ	-	8	-	12,000	-	12,000
Шахрисабз	-	17	-	48,000	-	48,000
Косон	-	11	-	46,000	-	46,000
Муборак	-	12	-	54,000	-	54,000
Қарши ш.	-	4	-	9,000	-	9,000
	-	160	-	585,000	-	585,000

**Навой вилоятининг туманларини карантин бегона  
ўтлар билан зарарланиш ҳолати**

Туманларнинг номлари	Тарқалган				Зарарланган майдон,га	
	Аҳоли пунктлари	Ҳўжаликлар	Таморкалар	Ҳўжаликлар	Таморкалар	Жами
<b>Судралувчи какра</b>						
Конимех	11	3	-	8,000	-	8,000
Қизилтепа	10	8	-	15,000	-	15,000
Навбахор	7	6	-	12,000	-	12,000
Кармана	8	5	-	10,000	-	10,000
Нурота	10	3	-	5,000	-	5,000
Хатирчи	9	6	-	17,000	-	17,000
Навой ш.	-	1	-	4,000	-	4,000
Жами:	55	32	Ў	71,000	-	71,000
<b>Зарпечак</b>						
Конимех	11	4	-	16,000	-	16,000
Қизилтепа	12	14	-	51,000	-	51,000
Навбахор	7	10	-	53,000	-	53,000
Кармана	8	10	-	45,000	-	45,000
Нурота	10	5	-	24,000	-	24,000
Хатирчи	9	14	-	56,000	-	56,000
Навой ш.	-	1	-	6,000	-	6,000
Жами:	57	58	-	251,000	-	251,000
<b>Девпечак</b>						
Конимех	11	3	-	3,000	-	3,000
Қизилтепа	10	6	-	6,000	-	6,000
Навбахор	7	6	-	5,000	-	5,000
Кармана	8	4	-	5,000	-	5,000
Нурота	-	1	-	2,000	-	2,000
Хатирчи	9	6	-	5,000	-	5,000
Навой ш.	-	2	-	4,000	-	4,000
Жами:	45	28	-	30,000	-	30,000

**Наманганвилоятининг туманларини карантин бегона  
ўтлар билан зарарланиш ҳолати**

Туманларнинг номлари	Тарқалган				Зарарланган майдон,га	
	Аҳоли пунктлари	Хўжаликлар	Таморкалар	Хўжаликлар	Таморкалар	Жами
<b>Судралувчи какра</b>						
Мингбулоқ	6	6	-	2,300	-	2,300
Косон	7	7	-	1,600	-	1,600
Наманган	5	5	-	2,100	-	2,100
Норин	6	6	-	2,400	-	2,400
Тўрақўрғон	5	5	-	2,200	-	2,200
Уйчи	6	6	-	2,200	-	2,200
Поп	5	5	-	2,600	-	2,600
Учқўрғон	6	6	-	2,300	-	2,300
Чуст	4	4	-	2,700	-	2,700
Чортоқ	5	5	-	2,100	-	2,100
Янгиқўрғон	3	3	-	2,400	-	2,400
Наманган ш.	4	4	-	0,300	-	0,300
Жами:						
<b>Зарпечак</b>						
Мингбулоқ	7	7	-	3,300	-	3,300
Косон	9	9	-	2,400	-	2,400
Наманган	12	12	-	3,200	-	3,200
Норин	9	9	-	3,000	-	3,000
Тўрақўрғон	12	12	-	2,600	-	2,600
Уйчи	12	12	-	3,100	-	3,100
Поп	9	9	-	2,800	-	2,800
Учқўрғон	10	10	-	3,000	-	3,000
Чуст	9	9	-	2,900	-	2,900
Чортоқ	9	9	-	2,300	-	2,300
Янгиқўрғон	10	10	-	3,200	-	3,200
Наманган ш.	2	2	-	0,400	-	0,400
Жами:						
<b>Девпечак</b>						
Мингбулоқ	4	4	-	0,300	-	0,300
Косон	4	4	-	0,500	-	0,500
Наманган	3	3	-	0,300	-	0,300
Норин	2	2	-	0,200	-	0,200
Тўрақўрғон	2	2	-	0,300	-	0,300
Уйчи	2	2	-	0,200	-	0,200
Поп	5	5	-	0,300	-	0,300
Учқўрғон	2	2	-	0,300	-	0,300
Чуст	2	2	-	0,300	-	0,300
Чортоқ	3	3	-	0,200	-	0,200
Янгиқўрғон	3	3	-	0,300	-	0,300
Наманган ш.	3	3	-	0,200	-	0,200
Жами:						

**Самаркандвилоятининг туманларини карантин бегона  
ўтлар билан зарарланиш ҳолати**

Туманларнинг номлари	Тарқалган				Зарарланган майдон,га	
	Аҳоли пунктлари	Хўжаликлар	Таморқалар	Хўжаликлар	Таморқалар	Жами
<b>Судралувчи какра</b>						
Оқдарё	8	8	-	202,000	-	202,000
Булунғир	6	6	-	512,000	-	512,000
Жомбой	10	10	-	210,000	-	210,000
Иштихон	11	11	-	517,000	-	517,000
Каттақўрғон	10	10	-	560,000	-	560,000
Қўшробод	1	1	-	4006,000	-	4006,000
Норпай	9	9	-	242,000	-	242,000
Нуробод	2	2	-	3828,000	-	3828,000
Пойарик	9	9	-	1290,000	-	1290,000
Пастарғом	12	12	-	724,000	-	724,000
Пахтачи	8	8	-	201,000	-	201,000
Самарканд	9	9	-	425,000	-	425,000
Тайлоқ	8	8	-	420,000	-	420,000
Ургут	11	11	-	2677,000	-	2677,000
Самарканд ш.	-	-	-	10,000	-	10,000
Каттақўрғон ш.	-	-	-	8,000	-	8,000
Жами:	114	114	-	15832,000	-	15832,000
<b>Зарпечак</b>						
Оқдарё	5	15	-	164,000	-	164,000
Булунғир	5	17	-	169,000	-	169,000
Иштихон	7	15	-	156,000	-	156,000
Жомбой	7	17	-	212,000	-	212,000
Каттақўрғон	8	17	-	138,000	-	138,000
Қўшробод	6	6	-	41,000	-	41,000
Норпай	4	13	-	164,000	-	164,000
Нуробод	4	5	-	189,000	-	189,000
Пойарик	8	17	-	177,000	-	177,000
Пастарғом	9	20	-	231,000	-	231,000
Пахтачи	6	11	-	232,000	-	232,000
Самарқанд	8	13	-	190,000	-	190,000
Тайлоқ	6	11	-	194,000	-	194,000
Ургут	8	20	-	225,000	-	225,000
Самарканд ш.	1	1	-	10,000	-	10,000
Каттақўрғон ш.	1	1	-	10,000	-	10,000
Жами:	93	199	-	2502,000	-	2502,000
<b>Девпечак</b>						
Оқдарё	2	4	-	2,000	-	2,000
Булунғир	-	2	-	38,200	-	38,200

Жомбой	-	2	-	37,800	-	37,800
Иштихон	1	2	-	6,800	-	6,800
Каттакўрғон	1	2	-	7,400	-	7,400
Норпай	1	3	-	8,000	-	8,000
Пойариқ	1	6	-	2,000	-	2,000
Пастарғом	2	5	-	7,000	-	7,000
Пахтачи	1	3	-	7,600	-	7,600
Самарқанд	3	5	-	3,000	-	3,000
Тайлоқ	3	6	-	4,000	-	4,000
Ургут	1	3	-	7,000	-	7,000
Жами:	16	43	-	130,800	-	130,800

**Сурхандарё вилояти туманларини карантин бегона  
ўтлар билан зарарланиш ҳолати**

Туманларнинг номлари	Тарқалган				Зарарланган майдон,га	
	Аҳоли пунктлари	Ҳўжаликлар	Таморқалар	Ҳўжаликлар	Таморқалар	Жами
<b>Судралувчи қакра</b>						
Олтинсой	3	3	-	9,000	-	9,000
Бойсун	4	4	-	1,900	-	1,900
Қумқўрғон	2	2	-	3,800	-	3,800
Сариосиё	-	2	-	6,400	-	6,400
Узун	-	4	-	6,200	-	6,200
Шеробод	2	2	-	5,300	-	5,300
Шурчи	4	2	-	1,900	-	1,900
Қизириқ	1	1	-	0,200	-	0,200
Жами:	16	20	-	34,700	-	34,700
<b>Зарпечак</b>						
Ангор	4	8	-	7,000	-	7,000
Олтинсой	5	9	-	7,100	-	7,100
Бойсун	5	5	-	3,400	-	3,400
Денов	10	10	-	4,600	-	4,600
Жорқўрғон	9	9	-	6,400	-	6,400
Қизириқ	22	22	-	14,200	-	14,200
Қумқўрғон	10	10	-	5,000	-	5,000
Музробод	9	9	-	8,200	-	8,200
Сариосиё	8	8	-	12,200	-	12,200
Термиз	5	5	-	0,600	-	0,600
Узун	3	10	-	12,000	-	12,000
Шеробод	13	10	-	10,600	-	10,600
Шурчи	13	7	-	6,000	-	6,000
Жами:	116	122	-	97,300	-	97,300
<b>Девпечак</b>						

Олтинсой	2	2	-	0,200	-	0,200
Бойсун	2	2	-	0,200	-	0,200
Жоркўрғон	3	3	-	0,970	-	0,970
Денов	3	3	-	0,500	-	0,500
Қумкўрғон	2	2	-	0,060	-	0,060
Қизирик	2	2	-	0,020	-	0,020
Музробод	2	2	-	0,040	-	0,040
Сариосиё	2	2	-	1,100	-	1,100
Термиз	2	1	-	0,200	-	0,200
Узун	3	3	-	0,800	-	0,800
Шеробод	3	3	-	0,090	-	0,090
Жами:	26	25	-	4,180	-	4,180

**Сирдарё вилояти туманларини карантин бегона  
ўтлар билан зарарланиш ҳолати**

Туманларнинг номлари	Тарқалган				Зарарланган майдон,га	
	Аҳоли пунктлари	Хўжаликлар	Таморқалар	Хўжаликлар	Таморқалар	Жами
<b>Судралувчи какра</b>						
Сардоба	-	1	-	2,900	-	2,900
Ховас	-	2	-	7,500	-	7,500
Жами:	-	3	-	10,400	-	10,400
<b>Зарпечак</b>						
Оқолтин	4	9	1	10,270	0,100	10,370
Боёвут	1	14	1	6,841	0,020	6,861
Гулистон	5	15	6	5,158	0,114	5,272
Мирзообод	5	14	5	7,975	0,060	8,035
Сардобо	4	12	2	6,865	0,020	6,885
Сайхунобод	4	13	2	6,635	0,030	6,665
Сирдарё	9	14	10	8,005	0,170	8,175
Ховаст	2	12	3	9,600	0,030	9,630
Жами:	34	103	30	61,349	0,544	61,893
<b>Девпечак</b>						
Гулистон	2	1	2	0,010	0,021	0,031
Сайхунобод	1	-	2	-	0,010	0,010
Сирдарё	2	2	2	0,097	0,045	0,142
Ховаст	-	1	-	0,020	-	0,020
Жами:	5	4	6	0,127	0,076	0,203

**Тошкент вилоят туманларини карантин бегона  
ўтлар билан зарарланиш ҳолати**

Туманларнинг номлари	Тарқалган				Зарарланган майдон,га	
	Аҳоли пунктлари	Хўжаликлар	Таморқалар	Хўжаликлар	Таморқалар	Жами
<b>Судралувчи какра</b>						
Охонгоран	1	4	-	4,000	-	4,000
Бекобод	1	2	-	2,000	-	2,000
Бўстонлик	1	4	-	4,000	-	4,000
Кибрай	1	2	-	2,000	-	2,000
Паркент	1	2	-	2,000	-	2,000
Чиноз	1	2	-	2,000	-	2,000
Юқори Чирчиқ	1	2	-	2,000	-	2,000
Жами:	7	18	-	18,000	-	18,000
<b>Зарпечак</b>						
Оққўрғон	1	3	-	12,000	-	12,000
Охонгоран	1	3	-	15,000	-	15,000
Бекобод	1	4	-	12,000	-	12,000
Бўстонлик	1	3	-	15,000	-	15,000
Бука	1	2	-	10,000	-	10,000
Куйи Чирчиқ	1	4	-	12,000	-	12,000
Зангиота	2	7	-	24,000	-	24,000
Кибрай	1	4	-	10,000	-	10,000
Паркент	1	2	-	10,000	-	10,000
Пскент	1	3	-	12,000	-	12,000
Ўрта Чирчиқ	1	4	-	12,000	-	12,000
Чиноз	1	4	-	12,000	-	12,000
Юқори Чирчиқ	1	3	-	12,000	-	12,000
Янгийўл	1	4	-	12,000	-	12,000
Жами:	15	50	-	180,000	-	180,000
<b>Девпечак</b>						
Оққўрғон	1	2	-	1,800	-	1,800
Охонгоран	1	2	-	3,200	-	3,200
Бекообод	1	2	-	1,800	-	1,800
Бўстонлик	1	2	-	3,200	-	3,200
Бука	1	2	-	0,700	-	0,700
Зангиота	2	6	-	6,600	-	6,600
Кибрай	1	3	-	2,400	-	2,400
Куйи Чирчиқ	1	3	-	1,300	-	1,300
Паркент	1	2	-	1,400	-	1,400
Пскент	1	3	-	1,800	-	1,800
Ўрта Чирчиқ	1	3	-	1,100	-	1,100
Чиноз	1	3	-	1,800	-	1,800



Юқори Чирчиқ	1	2	-	1,900	-	1,900
Янгийўл	1	2	-	1,900	-	1,900
Олмалик ш.	1	1	-	0,100	-	0,100
Чирчиқ ш.	1	1	-	0,100	-	0,100
Бекобод ш.	1	1	-	0,100	-	0,100
Жами:	18	40	-	31,200	-	31,200

**Фарғона вилояти туманларини карантин бегона  
ўтлар билан зарарланиш ҳолати**

Туманларнинг номлари	Тарқалган				Зарарланган майдон,га	
	Аҳоли пунктлари	Хўжаликлар	Таморқалар	Хўжаликлар	Таморқалар	Жами
<b>Судралувчи какра</b>						
Олти ариқ	10	10	-	0,670	-	0,670
Қоштепа	12	12	-	0,450	-	0,450
Тошлоқ	6	6	-	1,000	-	1,000
Жами:	28	28	-	2,120	-	2,120
<b>Зарпечак</b>						
Олти ариқ	3	13	-	1,260	0,260	1,520
Боғдод	10	21	-	1,420	0,070	1,490
Бувайда	3	18	5	1,440	0,100	1,540
Беш ариқ	4	24	-	1,900	0,090	1,990
Данғара	24	15	5	1,600	0,610	2,210
Кува	4	12	2	2,000	0,240	2,240
Қўштепа	10	13	3	1,300	0,380	1,680
Риштон	12	14	3	1,620	0,710	2,330
Сох	9	3	6	0,920	0,090	1,010
Тошлоқ	5	13	1	3,000	0,133	3,133
Ўзбекистон	9	15	-	1,500	0,170	1,670
Уч кўприк	23	13	3	2,500	0,615	3,115
Фарғона	7	17	3	1,800	0,640	2,440
Фуркот	5	11	4	1,450	0,180	1,630
Ёзёвон	10	13	2	1,460	0,260	1,720
Қува ш.	6	13	5	1,410	0,530	1,940
Қоқон ш.	18	-	8	-	0,140	0,140
Морғилон ш.	6	-	10	-	0,120	0,120
Фарғона ш.	10	13	5	1,130	0,171	1,301
Жами:	178	241	65	27,710	5,509	33,219
<b>Девпечак</b>						
Боғдод	-	2	-	0,010	-	0,010
Данғара	7	8	-	0,160	-	0,160
Қува	-	1	-	0,190	-	0,190
Қоштепа	12	12	-	0,170	-	0,170

Ёзёвон	3	2	-	0,500	-	0,500
Фарғона	2	2	-	0,260	-	0,260
Олти арик	12	12	-	0,220	-	0,220
Қува ш.	-	2	-	0,190	-	0,190
Жами:	36	41	-	1,700	-	1,700

**Хоразим вилояти туманларини карантин бегона  
ўтлар билан зарарланиш ҳолати**

Туманларнинг номлари	Зарарланган				Зарарланган майдон,га	
	Аҳоли пунктлари	Хўжаликлар	Таморқалар	Хўжаликлар	Таморқалар	Жами
<b>Судралувчи қакра</b>						
Ургенч	1	1	-	0,100	-	0,100
Хазарасп	3	5	-	0,006	-	0,006
Хонқа	1	1	-	0,001	-	0,001
Шоват	1	1	-	0,010	-	0,010
Янги арик	1	1	-	0,001	-	0,001
Янги бозор	1	1	-	0,001	-	0,001
Жами:	8	10	-	0,119	-	0,119
<b>Зарпечак</b>						
Боғат	11	32	-	1,500	-	1,500
Гурлан	1	3	-	0,010	-	0,010
Қошқўпир	10	13	-	1,710	-	1,710
Урганч	3	3	-	0,400	-	0,400
Шоват	3	1	4	0,010	0,220	0,230
Хазарасп	6	15	-	0,165	-	0,165
Хонқа	3	7	-	0,650	-	0,650
Хива	3	4	-	0,800	-	0,800
Янги арик	5	6	-	1,000	-	1,000
Янги бозор	1	1	3	0,090	0,010	0,100
Урганч ш.	1	5	1	0,030	0,001	0,031
Жами:	47	90	8	6,365	0,231	6,596

**Тошкент шаҳри туманларини карантин бегона ўтлар  
билан зарарланиш ҳолати**

Туманларнинг номлари	Тарқалган		Зарарланган майдон,га		
	Хўжаликлар	Таморқалар	Хўжаликлар	Таморқалар	Жами
<b>Эрмон баргли амброзия</b>					
М.Улуғбек	1	1	0,500	-	0,500
<b>Судралувчи қакра</b>					
Миробод	1	-	0,500	-	0,500
Олмазор	1	-	0,500	-	0,500
Сергили	1	-	0,500	-	0,500
Учтепа	1	-	0,500	-	0,500
Хамза	1	-	0,500	-	0,500
Чилонзор	1	-	0,500	-	0,500
Шайхантавур	1	-	0,500	-	0,500
Юнособод	1	-	0,500	-	0,500
Яккасарой	1	-	0,500	-	0,500
Жами:	9	-	4,500	-	4,500
<b>Зарпечак</b>					
Бектимир	1	-	0,150	-	0,150
М.Улуғбек	2	-	0,300	-	0,300
Миробод	1	-	0,300	-	0,300
Олмазор	2	-	1,000	-	1,000
Сергели	1	-	0,460	-	0,460
Учтепа	1	-	0,300	-	0,300
Хамза	1	-	0,600	-	0,600
Чилонзор	4	-	0,440	-	0,440
Шайхантавур	1	-	0,400	-	0,400
Юнособод	1	-	0,700	-	0,700
Яккасарой	1	-	1,000	-	1,000
Жами:	16	-	5,650	-	5,650
<b>Девпечак</b>					
Олмазор	1	-	0,040	-	0,040
Сергели	1	-	0,050	-	0,050
Учтепа	1	-	0,030	-	0,030
Хамза	1	-	0,050	-	0,050
Юнособод	2	-	0,010	-	0,010
Жами:	6	-	0,180	-	0,180

## VI БОБ

### Ўзбекистон Республикасининг айрим худудида тарқалган карантин бегона ўтлар.

**Шувоқ барг амброзия**- *Ambrosia artemisifolia* L. Asteraceae оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик бўлиб ташқи кўринишидан шувоқга ўхшайди. У пояси шохланган, тик ўсувчи, 10 см дан 2 м баландликдаги ўсимлик. Илдизи ўқ илдизли, яхши ривожланган, 4м чуқурликкача узунликда бўлади (5-расм).



#### 5-расм. Шувоқ барг амброзия- *Ambrosia artemisifolia* L.

- 1- ўсимлик поясининг юқори қисми; 2-оталик гулининг саватчаси;  
3- оталик гули; 4-оталик; 5-оналик гули; 6-майса; 7-мева;  
8- меванинг табиий катталиги; 9-уруғмева.


Барг бандлари яхши ифодаланган, патсимон томирланган, қисқа тук билан қопланган, 5- 10 см узунликда. Гуллари икки жинсли, 5 аъзоли, сариқ рангдаги бошоқсимон тўпгуллар саватчасимон тўпгулларда жойлашиб, новданинг учида ҳосил бўлади. Оналик тўпгуллари саватча ҳосил қилиб, барг қўлтиғида жойлашади. Уруғи тескари тухумсимон, учлари понасимон қисқариб борадиган, сохта меванинг ичида 2- 5 мм узунликдаги 1- 2 мм узунликда ҳосил бўлади. Ўсимликнинг гуллаши ва мева ҳосил қилиши июл, август ойларида бошланиб, уруғи август, сентябр ойларида пишиб этилади.

Бу бегона ўтнинг келиб чиқиш маркази Шимолий Америка хисоблансада, у Осиё, Европа, Марказий, Жанубий Америкада, Австралия, Россияда ва Ўзбекистонда учрайди.

Шувоқ барг амброзия 30- 80 минг дон уруғ хосил қилади ва уруғлари воситасида кўпаяди. Вегетация даври 80-150 кун. Уруғлари шамол ва уруғлик материаллари, сув воситасида дарё, ариқлар орқали тарқалади. Барча экинзорларни ифлослантириб катта зарар келтиради.

Бу бегона ўтга қарши карантин тадбирлари қаторига уруғлик материалларни қатъий назорат қилиш, алмашлаб экиш қоидаларига амал қилиш, бегона ўт тарқалган далалар иккинчи йил шудгор қилиб қолдирилиши керак. Экинзорлар гербицидлар билан ишлов берилиши керак.

**Судралувчи какра- *Acroptilon repens* (L).DC. Asteraceae** оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик. Бу пояси шохланган, тик ўсувчи, 20 см дан 40 см баландликдаги ўсимлик (6-расм).



6-расм. Судралувчи какра- *Acroptilon repens* (L).DC.: 1- ўсимлик поясининг юқори қисми; 2- илдиз тизимининг бир қисми; 3- саватча тўп гули; 4-уруғи; 5- уруғнинг табиий катталайги.

Илдизи ўқ илдизли, яхши ривожланган. Барглари ўтроқ, яхши ифодаланган, патсимон томирланган, қисқа тук билан қопланган, 5- 10 см узунликда. Гуллари икки жинсли, 5 аъзоли, қизил рангдаги бошоқсимон

тўпгуллар саватчасимон тўпгулларда жойлашиб, новданинг учида хосил бўлади. Уруғи тескаритухумсимон, учлари понасимон қисқариб борадиган, яполоқ, силлиқ, сохта меванинг ичида хосил бўлади. Ўсимликнинг гуллашива мева хосил қилиши май, июнь ойларидан бошланиб, уруғи июль ойларида пишиб этилади.

Бу бегона ўтнинг келиб чиқиш маркази Марказий Осиё хисоблансада, у Африкадан ташқари барча худудларда кўп учрайди. У Осиё, Европа, Марказий, Жанубий Америкада, Австралия, Россияда ва Ўзбекистонда учрайди.

Судралувчи какра 30- 80 минг дона уруғ хосил қилади ва уруғлари, илдиз бачкилари воситасида кўпаяди. Уруғлари шамол ва уруғлик материаллари, сув воситасида тарқалади. Барча экинзорларда 1 м<sup>2</sup> жойда 400 тагача поя хосил қилиб уларни ифлослантириб катта зарар келтиради.

Бу бегона ўтга қарши карантин тадбирлари қаторига уруғлик материаллар ни қаттиқ назорат қилиш, алмашлаб экиш қоидаларига амал қилиш, бегона ўт тарқалган далалар иккинчи йил шудгор қилиб қолдирилиши керак. Экинзорлар гербицидлар билан ишлов берилишидан иборат.

### **Зарпечаклар (*Cuscuta L*).**

Чирмовикдошлар оиласига мансуб, текинхўр ўсимликлар туркуми. Уларнинг 36 тадан ортиқ тури мавжуд. Уларнинг илдизи ва яшил барглари бўлмайди. Поя ва шохлари сариқ ёки пушти рангларда бўлиб, кучли даражада шохлаб кетади, гуллари майда, оқ ёки оқиш-пушти рангда бўлади. Мевалари майда, кўсаксимон, ичида бир неча донадан иборат уруғи бор. Уруғидан ҳамда поя қисмларидан кўпаяди.

Зарпечак энг зарарли бегона ўтлардан бири. У маданий ўсимликлар ширасини сўриб, қишлоқ хўжалигига катта зарар келтиради. Ўзбекистонда зарпечакдан кўпроқ каноп, беда ва сабзавот-полиз экинлари зарарланади. Зарпечакнинг баъзи турлари узум ва бошқа меваларни ҳам зарарлайди. Унинг бошқа турлари эса чорва моллари учун заҳарлидир. Уларнинг ҳаммаси ҳам карантин ўсимлик ҳисобланади ва қайси ерда пайдо бўлса, дарҳол йўқ қилиш чоралари кўрилади.

Кураш чоралари: айрим ўсимликларда пайдо бўлган зарпечак у ёпишган ўсимлик билан бирга юлиб, экин майдонидан узоқлаштирилиб йўқ қилинади. Зарпечак ёппасига пайдо бўлган майдондаги ўсимликлар тагидан ўриб олинади, ангиз поя эса гербицидлар билан дориланади. Республикамиз шароитида сабзавотларда, мевали дарахтларда учрайдиган зарпечак турлари қуйидагилар.

Дала зарпечаги (*Cuscuta campestris*). Пояси ипсимон, сариқ - қизғиш-сариқ рангда бўлиб, 0,8 мм йўғонликда бўлади(7-расм).

Гули қисқа бандли. Оқ, яшил-оқ рангда бўлиб, тўпгулларда жойлашади. Уруғи тупроқда 3 йилгача сақланади. Картошка, қанд лавлаги, сабзи, тарвуз, беда, ловия, пиёз, ғўза каби ўсимликларда ва 200 га яқин бегона ўтларда паразитлик қилади.






**7-расм. Далазарпечаги -*Cuscuta campestris Juncker*:**

1-поянинг гул билан бирга бир қисми; 2-гулкосабарглардаги чангчилар;  
3-гул; 4-уруғнинг муртаги; 5-уруғ; 6- уруғнинг табиий шакли;  
7-зарарланган шўра.

Тимян зарпечаги (*Cuscuta epithymum Murr.*) каноп, йўнғичқа экинларида паразитлик қилади. Уруғи ва пояси билан кўпаяди ва июль, август ойларида уруғ ҳосил қилади (8-расм).

Жануб зарпечаги (*Cuscuta australis*). Картошка, қанд лавлаги, сабзи, тарвуз, беда, ловия, пиёз, ғўза каби ўсимликларда ва 200 га яқин бегона ўтларда паразитлик қилади.

Хитой чирмовуғи (*Cuscuta chinensis Lam.*). Каноп, беда, сабзавод экинларида паразитлик қилади. Бир йиллик ўт. Гуллари 3-7 тадан соябонсимон тўпгулга йиғилади. Июл-август ойларида гуллаб уруғ беради. Асосан, каноп, жут, ғўза, лавлаги, помидор, қовунда ва айрим бегона ўтларда паразитлик қилади.



**8-расм. Тимян зарпечаги - *Cuscuta epithymum* Murr.:**

1- гул; 2-гулкосабарглардаги чангчилар; 3- тумшукча, устунчали тугунча; 4-уруғ; 5- уруғнинг табиий шакли; 6-тўпгул; 7-зарарланган йўнғичка.

Зиғир зарпечаги (*Cuscuta epillinum* Weiche.) зиғирда ва бегона ўтларда паразитлик қилади. Пояси ингичка, яшил сариқ гуллари ўтроқ, 10 таси бирлашиб жойлашади (9-расм). Уруғи ва пояси билан кўпаяди ва июл ,август ойларида уруғ хосил қиладиган бир йиллик ўсимлик. Уруғи тупрокда бир йилда нобуд бўлади. Битта уруғдан хосил бўлган ўсимлик 120 зиғирни зарарлаши мумкин.

Ингичка пояли зарпечак (*Cuscuta approxlmata* Bab.) бедада паразитлик қилади. Яшил сариқ гулларни пояда хосил қилади. Уруғи ва пояси билан кўпаяди ва июл,август ойларида уруғ хосил қилади.





**9-расм. Зиғир зарпечаги - *Cuscuta epilinum* Weiche.:**

1- гул; 2- тумшукча, устунчали тугунча гулкосабарглардаги чангчилар; 3- уруғ; 4- жуфтлашган уруғ; 5- уруғнинг табиий шакли; 6- зарарланган зиғир; 7- тўпгул; 8- гултожибарглар.

Европа зарпечаги (*Cuscuta europaea* L.) Томаки, сирен, смородина каби ўсимликларда, буталарда ва ёш кўчатларда паразитлик қилади.

Зарпечакнинг зарарини камайтириш учун профлактик, агротехник ва кимёвий усулларни комплекс олиб боришни талаб қилади. Экинлар уруғлигида унинг уруғини бўлмаслигига эришиш керак. Экинзорлардан, ариқ бўйларида канал ёқаларидаги қолдиқларини йўқ қилиш керак.

**Леман чирмовуғи ёки девпечаклар - *C. lehmanniana* Vge.**

Леман зарпечаги (*Cuscuta lehmanniana*)нинг пояси ипсимон, йўғонлиги 2 мм гача бўлиб, шохланган, қизғиш рангда бўлади. гули бинафша, ўтрок, гул банди 3 мм гача, шингил тўп гул ҳосил қилади (10-расм).



**10-расм. Леман зарпечаги -*Cuscuta lehmanniana*:**

1- гул; 2-шафтоли новданинг бир қисми; 3-чангчи ва гултожибарглар; 4- тугунча; 5- уруғнинг табиий шакли ; 6-уруғ; 7-уруғнинг муртаги.

Леман зарпечаги меваси – резовор, бир йиллик ўтсимон ўсимликларда, бегона ўтларда кенг тарқалган. Бир йиллик ўсимлик бўлиб, Чирмовуқдошлар оиласига мансуб. Бошоқсимон тўпгули 8 см гача узунликда бўлиб, поянинг учида ҳосил бўлади. Тугунчаси ва кўсакчаси тухумсимон, катталиги 5-6мм, меваси 3-4 уруғли. Республикамиз шароитида июнь-сентябрь ойларида гуллаб уруғлайди. Ариқ, канал ва дарё бўйларида, боғ ва тоқзорларда бегона ўт сифатида учраб паразит ҳолда ўсади.

Девпечаклар энг зарарли бегона ўтлардан бири ҳисобланиб , карантин объект ҳисобланади. У маданий ўсимликлар ширасини сўриб, қишлоқ хўжалигига ва боғдорчиликка катта зарар келтиради. Айниқса, Кўпинча ариқ бўйларидаги кўп йиллик дарахтларни тут ва мевали ўсимликларни зарарлайди.

### **Саволлар:**


1. Ўзбекистон Республикасининг айрим худудида қандай карантин бегона ўтлар тарқалган?
2. Шувоқ барг амброзиянинг ботаник характеристикаси қандай?
3. Шувоқ барг амброзиянинг келиб чиқиш маркази қаерда ва қайси мамлакатларда тарқалган?
4. Шувоқ барг амброзияга қарши карантин тадбирлари қандай?
5. Судралувчи какранинг ботаник характеристикаси қандай?
6. Судралувчи какранинг келиб чиқиш маркази қаерда ва қайси мамлакатларда тарқалган?
7. Судралувчи какрага қарши карантин тадбирлари қандай?
8. Зарпечакларнинг ботаник характеристикаси қандай?
9. Зарпечакларнинг келиб чиқиш маркази қаерда ва қайси мамлакатларда тарқалган?
10. Зарпечакларга қарши карантин тадбирлари қандай?
11. Дала зарпечагининг ботаник характеристикаси қандай?
12. Дала зарпечагининг келиб чиқиш маркази қаерда ва қайси мамлакатларда тарқалган?
13. Дала зарпечагига қарши карантин тадбирлари қандай?



## VII БОБ

### Ўзбекистон Республика худида учрамайдиган бегона ўтлар.

**Сассик америка какраси** -*Iva axillaris Pursh* . Бу *Asteraceae* – оиласига мансуб ўсимлик бўлиб, пояси тик ўсувчи, шохланган, узунлиги 15-60 см. Барги майда, 2,5 см узунликда, туклар билан қопланган. Гули яшил сарик, бир жинсли ўсимлик. Меваси понсимон, тухумсимон шаклда. Битта саватчада 2 та уруғ хосил қилади (11-расм).



**11-расм. Сассик америка какраси -*Iva axillaris Pursh* :**

1,2,3-уруғи; 4- уруғнинг табиий ўлчами; 3- илдиз тизимининг бир бўлаги;  
4-ўсимликнинг юқори қисми.

Бу бегона ўт Шимолий ва Марказий Америкада, Австралияда кенг тарқалган. Бу илдизпояли, кўп йиллик бегона ўт. Асосан илдизбачкилар ёрдамида тарқалади. Илдиз системаси 2 м чуқурликкача кириб боради. Вегетациясини баҳор фаслида бошлайди. Июль- сентябар ойларида гуллаб, сентябр- октябр ойларида мева хосил қилади. Пояси ва барги қўланса хид хосил қилганлиги учун хашак сифатида фойдаланилмайди.

Бегона ўтга қарши курашдаги карантин тадбирлар қаторига: озиқа ва эм учун режалаштирилган буғдой донларини экспертизадан ўтказиш; бегона ўт уруғлари аниқланган тақдирда уни яхшилаб тозалаш ва уруғлик учун фойдаланмаслик.

**Чизиқ баргли итузум-*Solanum elaeagnifolium* Cav**, тури Итузум дошлар(*Solanaceae*) оиласига мансуб, пояси тик ўсувчи, шохланган, майда тиканакли, 30 -100 см баландликдаги ўсимлик (12-расм).



**12-расм. Чизиқ баргли итузум-*Solanum elaeagnifolium* Cav:**  
1-ўсимликнинг юқори қисми, 2-уруғи; 3- уруғнинг табиий ўлчами.

Барги навбат билан жойлашади, барг банди яхши ифодаланган, қалами ёки тўғри чизиқли, қирраси тўлқинсимон, узунлиги 2,5-10 см, кенлиги 0,8-2,5 см. Барги ва пояси қалин туклар билан қопланганлигидан қўнғир рангда кўринади. Гуллари қалқансимон тўпгулларда жойлашиб, 5 та косачабарг ва 5 та гултожибаргдан ташкил топган, бинафша ёки кўк рангда кўринади, катталиги 2 см. Бешта чангчилардан биттаси узунроқ, гултожибарглари оқ рангдаги туклар билан қопланган бўлади. Меваси думалоқ, силлиқ, тўқ сариқ рангдаги 1 см катталиқдаги резовор мева. Уруғи тесқари тухумсимон, думалоқ, яполоқ, 3 мм узунликда.

Бу бегона ўт Нидерландия, Канада, АҚШ, Аргентина, Австралияда тарқалган.

Чизиқ баргли итузум кўп йиллик илдизпояли бегона ўт. Уруғлари ва илдиз бачкилари воситасида кўпаяди. Май ойининг охиридан вегетация давомида гуллаб уруғ хосил қилади. Уруғлари шамол ва уруғлик материаллар воситасида тарқалади. Экинзорларни, ўтлоқзорларни зарарлаб катта зарар етказди. Бу бегона ўтга қарши карантин тадбирлари қаторига уруғлик материалларни қатъий назорат қилишдан иборат.

**Калифорния кунгабоқари-*Helianthus californicus* DC** тури *Asteraceae* оиласига мансуб пояси тик ўсувчи, шохланган, 3 м баландликдаги ўсимлик (13-расм). Барги навбат билан жойлашади, барг банди яхши ифодаланган, қалами ёки тўғри чизиқли, яшил рангдаги, узунлиги 12- 18 см, кенглиги 3 -5 см.

Гуллари саватчасимон тўпгулларда жойлашиб, найсимон ва тилсимон гуллари сариқ рангда бўлиб, катталиги 2 см. Меваси думалок, силлик, тўқ сариқ рангдаги 1 см катталиқдаги резовор мева. Уруғи майда, 3 мм узунликда. Илдиз системаси илдизпоя, столон ва асосий илдиздан иборат.

Бу бегона ўтнинг ватани Шимолий Америка бўлиб, Канада, АҚШ да тарқалган.

Калифорния кунгабоқари илдизпояли бегона ўт. Уруғлари ва сталонлар воситасида кўпаяди. Уруғлари шамол ва уруғлик материаллар воситасида тарқалади. Экинзорларни, ўтлоқзорларни зарарлаб катта зарар етказди.



**13-расм. Калифорния кунгабоқари-*Helianthus californicus* DC:**  
1-уруғи; 2- уруғнинг табиий ўлчами; 3- ўсимликнинг юқори қисми



Бу бегона ўтга қарши карантин тадбирлари қаторига уруғлик материалларни қатъий назорат қилишдан иборат.

**Киприкли кунгабоқар-*Helianthus ciliris DC* тури** *Asteraceae* оиласига мансуб кўп йиллик, пояси тик ўсувчи, 60 см баландликдаги ўсимлик (14-расм).

Барги жуфт, ўтроқ, қалами, узунлиги 2- 6 см. Гуллари саватчасимон тўпгулларда жойлашиб, найсимон ва тилсимон гуллари сариқ рангда бўлиб, катталиги 1,2 см. Илдиз системаси илдизпоя, столон ва асосий илдиздан иборат



**14-расм. Киприкли кунгабоқар-*Helianthus ciliris DC*:**

1-уруғи; 2- уруғнинг табиий ўлчами; 3-илдиз тизимининг бир қисми;  
3- ўсимликнинг юқори қисми

Бу бегона ўт Полша, Франция, Швеция, Канада, АҚШ, Мексика, Аргентина, Афғонистонда тарқалган.

Киприкли кунгабоқар илдизпояли бегона ўт. Уруғлари ва сталонлар воситасида кўпаяди. Уруғлари шамол ва уруғлик материаллар воситасида тарқалади. Бу бегона ўтга қарши карантин тадбирлари қаторига уруғлик материалларни қатъий назорат қилишдан иборат.

**Барг бандли кунгабоқар-*Helianthus petiolaris Nutt* тури** *Asteraceae* оиласига мансуб бир йиллик, пояси тик ўсувчи, 80 см баландликдаги ўсимлик(15-расм). Барги узун бандли қисқа япроқли овалсимон шаклда. Саватчалари майда узунлиги 1,2-2,6 см. Гуллари саватчасимон тўпгулларда

жойлашиб, найсимон ва тилсимон гуллари сариқ рангда бўлиб, катталиги 1,2 см. Илдиз системаси илдизпоя, столон ва асосий илдиздан иборат. Бу бегона ўт Шимолий Америкада Канада, АҚШда тарқалган.



**15-расм. Барг бандли кунгабоқар-*Helianthus petiolaris* Nutt:**

1-гулкосабарг; 2-уруғи; 3- уруғнинг табиий ўлчами; 4- ўсимликнинг юқори қисми; 5-тилсимон гул; 6-найсимон гул.

Барг бандли кунгабоқар илдизпояли бегона ўт. Уруғлари воситасида кўпаяди. Уруғлари шамол ва уруғлик материаллар воситасида тарқалади. Бу бегона ўтга қарши карантин тадбирлари қаторига уруғлик материалларни қатъий назорат қилишдан иборат.

**Тукли кунгабоқар -*Helianthus scaberrimus* Benth** тури *Asteraceae* оиласига мансуб бир йиллик, пояси шохланган, тик ўсувчи, 1 м баландликдаги ўсимлик. Барглари навбат билан жойлашиб, овалсимон, қалами.

Гуллари саватчасимон тўпгулларда жойлашиб, ўлчами 3 см, найсимон ва тилсимон гуллари сариқ рангда бўлиб, катталиги 1,2 см. Уруғи тухумсимон, сариқ рангда, тукланиб, пўпик хосил қилади. Илдиз системаси илдизпоя, столон ва асосий илдиздан иборат (16-расм).






**16-расм. Тукли кунгабоқар - *Helianthus scaberrimus* Benth:**

1-тилсимон гул; 2-найсимон гул; 3- ўсимликнинг юқори қисми; 4- уруғи;  
5-уруғнинг табиий ўлчами.

Бу бегона ўт Нидерландия, Франция, Швеция, Канада, АҚШ, Аргентинада тарқалган.

Тукли кунгабоқар илдизпояли бегона ўт. Уруғлари ва сталонлар воситасида кўпаяди. Уруғлари шамол ва уруғлик материаллар воситасида тарқалади. Бу бегона ўтга қарши карантин тадбирлари қаторига уруғлик материалларни қатъий назорат қилишдан иборат.

**Сарик стригалар -*Striga lutea* Lour.** Ярим паразит ўсимлик бўлиб, буғдой,шоли, маккажўхори, жўхори, шакарқамиш илдизида паразитлик қилади. Бир йиллик 20 см баландликдаги ўтсимон ўсимлик. Барглари энсиз, ўтроқ, қалами ,барг қирраси бутун, 1,3-3,5 мм узунликда. Уруғ орқали 5000 та дан ортиқ микдорда уруғ хосил қилиб кўпаяди (17-расм). Тропик ва субтропик минтақаларидаги Осиё, Африка, АҚШ, Австралия давлатларида тарқалган.



**17-расм. Сарик стригалар -*Striga lutea* Lour.:**


1-гултожибарг; 2- ўсимликнинг юқори қисми; 3- уруғнинг табиий ўлчами; 4- уруғи; 5- кўсак; 6-кўсакнинг кўндаланг кесими; 7-хўжайин ўсимликнинг стрига билан зарарланиши. 8-ўсимликнинг юқори қисми.

Зарарланган ўсимлик тезда сўлийди, ўсишдан орқада қолиб, сарик ранга киради ва қуриб қолади. Маккажўхори экилган далаларни бутунлай қуриб қолишига сабаб бўлади.

Уруғи орқали тарқалганлигини эътиборга олиб, уруғлик материалларни назорат қилиш, ер усти органларини ёқиб ташлаш керак.

**Миср стригалари -*Striga hermonthica* Benth.** Ярим паразит ўсимлик бўлиб, шакақамиш, маккажўхори, жўхори илдизида паразитлик қилади. Уруғ орқали кўпаяди. Тропик ва субтропик минтақаларидаги Осиё, Африка, АҚШ, Австралия давлатларида тарқалган (18-расм).





**18-расм. Миср стригаси -*Striga hermonthica* Benth.:**

1-гулининг кўндаланг кесими; 2- гулкособарг; 3- мева (кўсак); 4- ўсимликнинг гуллаган юқори қисми; 5-баргли поя; 6-поянинг илдиз бўғизи ва илдиз қисми.

Уруғи орқали тарқалганлигини эътиборга олиб, уруғлик материалларни назорат қилиш, ер усти органларини ёқиб ташлаш керак.

**Саволлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси худудида учрамайдиган қандай бегона ўтларни биласиз?
2. Сассиқ америка какрасининг ботаник характеристикаси қандай?
3. Сассиқ америка какрасининг келиб чиқиш маркази қаерда ва қайси мамлакатларда тарқалган?
4. Сассиқ америка какрасига қарши карантин тадбирлари қандай?
5. Чизиқ баргли итузумнинг ботаник характеристикаси қандай?

6. Чизик баргли итузумнинг келиб чиқиш маркази қаерда ва қайси мамлакатларда тарқалган?
7. Чизик баргли итузумга қарши карантин тадбирлари қандай?
8. Калифорния кунгабоқарининг ботаник характеристикаси қандай?
9. Калифорния кунгабоқарининг келиб чиқиш маркази қаерда ва қайси мамлакатларда тарқалган?
10. Калифорния кунгабоқарига қарши карантин тадбирлари қандай?
11. Киприкли кунгабоқарнинг ботаник характеристикаси қандай?
12. Киприкли кунгабоқарнинг келиб чиқиш маркази қаерда ва қайси мамлакатларда тарқалган?
13. Киприкли кунгабоқарга қарши карантин тадбирлари қандай?
14. Барг бандли кунгабоқарнинг ботаник характеристикаси қандай?
15. Барг бандли кунгабоқарнинг келиб чиқиш маркази қаерда ва қайси мамлакатларда тарқалган?
16. Барг бандли кунгабоқарга қарши карантин тадбирлари қандай?
17. Тукли кунгабоқарнинг ботаник характеристикаси қандай?
18. Тукли кунгабоқарнинг келиб чиқиш маркази қаерда ва қайси мамлакатларда тарқалган?
19. Тукли кунгабоқарга қарши карантин тадбирлари қандай?
20. Сарик стригаларнинг ботаник характеристикаси қандай?
21. Сарик стригаларнинг келиб чиқиш маркази қаерда ва қайси мамлакатларда тарқалган?
22. Сарик стригаларга қарши карантин тадбирлари қандай?
23. Миср стригаларининг ботаник характеристикаси қандай?
24. Миср стригаларининг келиб чиқиш маркази қаерда ва қайси мамлакатларда тарқалган?
25. Миср стригаларига қарши карантин тадбирлари қандай?

## VIII БОБ

### Республикада тарқалиши чегараланган бегона ўтлар.

Уч бўлакли амброзия-*Ambrosia trifida* L., *Asteraceae* оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик бўлиб ташқи кўринишидан шувокга ўхшайди. Бу пояси шохланган, тик ўсувчи, 3 м баландликдаги ўсимлик. Илдизи ўқ илдизли, яхши ривожланган, 4 м узунликда бўлади (19-расм).



19-расм. Уч бўлакли амброзия- *Ambrosia trifida* L.:

1- ўсимликнинг юқори қисми; 2-майса; 3-оталик гулининг саватчаси; 4-оналик гули;  
5- мева; 6-меванинг табиий катталиги.

Барг бандлари яхши ифодаланган, пастки барглари япроғи чуқур қирқилган, юқори яруслардаги барглари уч баргли ёки бутун, овалсимон ланцетсимон кўринишда, қисқа тук билан қопланган, 5- 10 см узунликда. Гуллари икки жинсли, 5 аъзоли, сариқ рангдаги бошоқсимон тўпгуллар саватчасимон тўпгулларда жойлашиб, новданинг учида хосил бўлади. Оналик тўпгуллари саватча хосил қилиб, барг қўлтиғида жойлашади. Уруғи тескари тухумсимон, учлари понасимон қисқариб борадиган, сохта меванинг ичида 8-15 мм узунликдаги 3,5- 6 мм узунликда хосил бўлади. Ўсимлик апрел ойида хосил бўлиб, унинг гуллаши ва мева хосил қилиши июнь, июль ойларида уруғи август ойларида пишиб етилади .



Бу бегона ўтнинг келиб чиқиш маркази Шимолий Америка хисоблансада, у Осиё, Европа, Марказий, Жанубий Америкада ва Россияда учрайди.

Уч бўлакли амброзия уруғлари воситасида кўпаяди. Уруғлари шамол ва уруғлик материаллари, дарё, ариқлар сув орқали тарқалади. Барча экинзорларни ифлослантириб катта зарар келтиради,

Бу бегона ўтга қарши карантин тадбирлари қаторига уруғлик материалларни қаттиқ назорат қилиш, алмашлаб экиш қоидаларига амал қилиш, бегона ўт тарқалган далалар иккинчи йил шудгор қилиб қолдирилиши керак. Экинзорлар гербицидлар билан ишлов берилишидан иборат.

**Кўп йиллик амброзия-*Ambrosia psilostachya* DC. Asteraceae** оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик. Бу пояси шохланган, тик ўсувчи, 1 м баландликдаги ўсимлик (20-расм).

Илдизпояли, яхши ривожланган бўлади. Барг бандлари яхши ифодаланган, патсимон томирланган, япроғи чуқур қирқилган, 5- 12 см узунликда.

Гуллари икки жинсли, 5 аъзоли, сариқ рангдаги бошоқсимон тўпгуллар саватчасимон тўпгулларда жойлашиб, новданинг учида хосил бўлади. Оналик тўпгуллари саватча хосил қилиб, учки барг қўлтиғида жойлашади.



**20-расм. Кўп йиллик амброзия- *Ambrosia psilostachya* DC.:**

1- оталик гулининг саватчаси; 2- оналик гули майса; 3- меванинг табиий катталиги; 4- мева; 5- илдиз тизимининг бир қисми; 6- ўсимликнинг юқори қисми; 7- барг.

Уруғи тескари тухумсимон, учлари понасимон қисқариб борадиган, сохта меванинг ичида 2- 5 мм узунликдаги 1- 2 мм узунликда хосил бўлади. Ўсимлик уруғлари 13- 15<sup>0</sup> С хароратда май ойида униб чиқади, июл ойидан бошланиб ён илдизларни хосил қилиб далаларни ифлослантира бошлайди.

Бу бегона ўтнинг келиб чиқиш маркази Шимолий Америка ҳисоблансада, у Осиё, Европа, Марказий, Жанубий Америкада, Австралия, Руминия, Канада, Мексика ва Россияда учрайди.

Кўп йиллик амброзия илдизпоялари ва уруғлари воситасида кўпаяди. Вегетация даври 80-150 кун. Уруғлари шамол ва уруғлик материаллари, дарё, ариқлар суви орқали тарқалади. Барча экинзорларни ифлослантириб катта зарар келтиради,

Бу бегона ўтга қарши карантин тадбирлари қаторига уруғлик материал ларни қатъий назорат қилиш, алмашлаб экиш қоидаларига амал қилиш, бегона ўт тарқалган далалар иккинчи йил шудгор қилиб қолдирилиши керак, даладан йиғиштириб олиб ташлаш керак. Экинзорлар гербицидлар билан ишлов берилишидан иборат.

**Тиканли итузум- *Solanum rostratum* Dup. *Solanaceae*** оиласига мансуб бир йиллик бегона ўт. Пояси ёғочлашган, кучли шоҳланган, узунлиги 30-100 см, усти туклар билан қопланган (21-расм).



**21-расм. Тиканли итузум- *Solanum rostratum* Dup.:**

1- майсалари; 2- уруғнинг табиий катталиги; 3-уруғ; 4- ўсимликнинг юқори қисми;  
5- гул.



Барглари яхши ифодаланган, жуфт патсимон томирланган, 5- 10 см узунликда. Гуллари шингил тўпгуллар сариқ рангда, новданинг учида хосил бўлади. Уруғи думалоқ буйраксимон, ранги тўқ жигар ёки қора рангда, катталиги 2-3 мм, эни 1-2 мм, сохта меванинг ичида 70 тадан хосил бўлади. Битта ўсимликда 200 тадан 8000 тагача уруғ хосил қилади. Ўсимликнинг уруғлари хаво харорати 12° С бўлганда май ойларида униб чиқади, уруғи июль ойларида пишиб етилади.

Бу бегона ўтнинг келиб чиқиш маркази Шимолий Америка ҳисоблансада, у Осиё, Европа, Марказий, Жанубий Америкада, Австралия ва Россияда учрайди. Уруғлари шамол ва уруғлик материаллари, сув воситасида тарқалади. Барча экинзорларда айникса, буғдойзорларда, ўтлоқларда, пичанзорларни ифлослантириб катта зарар келтиради.

Бегона ўтга қарши ўтказиладиган карантин тадбирлар қаторига икки йил давомида буғдойни улар тарқалган далаларга экмаслик, бир йил давомида далани шудгор қилиб қолдириш, экинзорлани гербицидлар билан ишлов бериш.

**Уч гулли итузум- *Solanum triflorum* Nutt., Solanaceae** оиласига мансуб бир йиллик бегона ўт (22-расм).



**22-расм. Уч гулли итузум- *Solanum triflorum* Nutt.:**

1- гули; 2- уруғи; 3-уруғ табиий катталиги; 4- ўсимликнинг гул ва мева билан юқори қисми; 5- ўсимликнинг пастки қисми.



Пояси тик ўсувчи, кучсиз туклашган, узунлиги 20-80 см, усти туклар билан қопланган. Барглари яхши ифодаланган, жуфт патсимон томирланган, навбат билан жойлашадиган 2,5- 7,5 см узунликда. Гуллари барг қўйнида 3 тадан жойлашадиган, гуллар оқ рангда, новданинг учида ҳосил бўладиган, шакли думалоқ. Уруғи тухумсимон, ранги тўқ жигар ёки сариқ рангда, сариқ рангдаги меванинг ичида ҳосил бўлади. Июнь ойида гулласа, сентябрда мева ҳосил қилади.

Бу бегона ўтнинг келиб чиқиш маркази Шимолий Америка ҳисоблансада, у Европа, Россияда учрайди. Уруғлари шамол ва уруғлик материаллари, сув воситасида тарқалади. Барча экинзорларда айниқса, сабзавот ва дуккакли экинзорларни ифлослантириб катта зарар келтиради.

Бегона ўтга қарши ўтказиладиган карантин тадбирлар қаторига уруғлик материалларнинг тарқалишига йўл қўймаслик, бир йил давомида далани шудгор қилиб қолдириш, экинзорларни гербицидлар билан ишлов бериш.

**Коралина итузуми** -*Solanum carolinense* L. тури Итузумдошлар (*Solanaceae*) оиласига мансуб пояси тик ўсувчи, шохланган, майда тиканакли, 30 -120 см баландликдаги ўсимлик(23-расм).



**23-расм. Коралина итузуми -*Solanum carolinense* L.:**

1- 2- илдиз тизимининг бир бўлаги; уруғи; 3- ўсимликнинг гул ва мева билан юқори қисми; 4-уруғ; 5-уруғнинг табиий катталиги.

Барги навбат билан жойлашади, барг банди яхши ифодаланган, овалсимон ёки тўғри чизикли, қирраси тўлқинсимон, узунлиги 5- 15 см, кенглиги 0,8 -2,5 см. Тўпгуллари соябон ҳосил қилиб, гуллари қалқансимон тўпгулларда жойлашиб, 5 та косачабарг ва 5 та гултожибаргдан ташкил топган, оқ ёки кўк рангда кўринади, катталиги 1 см. Бешта чангчилардан биттаси узунроқ, гултожибарглари оқ рангдаги туклар билан қопланган бўлади. Меваси думалоқ, силлиқ, тўқ сариқ рангдаги 2,5 см катталиқдаги резовор мева. Уруғи тескари тухумсимон, думалоқ, яполоқ, сариқ ёки жигар рангда 3 мм узунликда.

Бу бегона ўт Шимолий Америка, Россия, Грузия, Аджарияда тарқалган.

Королина итузум кўп йиллик илдизпояли бегона ўт. Уруғлари ва илдиз бачкилари воситасида кўпаяди. Май ойининг охиридан вегетация давомида гуллаб уруғ ҳосил қилади. Уруғлари шамол ва уруғлик материаллар воситасида тарқалади. Экинзорларни, ўтлоқзорларни зарарлаб катта зарар этказади.

Бу бегона ўтга қарши карантин тадбирлари қаторига у тарқалган майдонларни қўлда яхшилаб тозалаш керак, дихлорэтан гербициди билан ишлов бериш, уруғлик материалларни қаттий назорат қилишдан иборат.

**Темир тиканли (кам гулли) ценхрус-*Cenchrus pauciflorus Benth .*** *Роасеае*оиласига мансуб бир йиллик бегона ўт (24-расм). Пояси силлиқ, узунлиги 30-100 см, усти туклар билан қопланган. Барглари ингичка, 5- 10 см узунликда.

Гуллари шингил тўпгуллар бўлиб, новданинг учида ҳосил бўлади. Уруғи думалоқ дон, катталиги 2-3мм. Битта ўсимликда 1000 тагача уруғ ҳосил қилади.

Бу бегона ўтнинг келиб чиқиш маркази Шимолий Америка ҳисоблансада, у Осиё, Европа, Марказий, Жанубий Америкада, Австралия ва Россияда учрайди.

Уруғлари шамол ва уруғлик материаллари, сув воситасида тарқалади. Барча экинзорларни ифлослантириб катта зарар келтиради. Тиканакли мевалари чорва молларининг жунини ифлослантиради, терисини зарарлайди ва оғиз бўшлиғини яллиғлантиради.

Бегона ўтга қарши ўтказиладиган карантин тадбирлар қаторига икки йил давомида буғдойни улар тарқалган далаларга экмаслик, бир йил давомида далани шудгор қилиб қолдириш, экинзорларни гербицидлар билан ишлов бериш.



**24-расм. Темир тиканли (кам гулли) ценхрус-*Cenchrus pauciflorus* Benth.:**  
 1-ўсимликнинг умумий кўриниши; 2- бошоқ; 3- уруғи; 4-ўсимлик уруғининг табиий катталайги; 5-ўсимлик поясининг юқори қисми.

#### Саволлар:

1. Ўзбекистон Республикасида тарқалиши чегараланган бегона ўтлар қайсилар?
2. Уч бўлакли амброзиянинг ботаник характеристикаси қандай?
3. Уч бўлакли амброзиянинг келиб чиқиш маркази қаерда ва қайси мамлакатларда тарқалган?
4. Уч бўлакли амброзияга қарши карантин тадбирлари қандай?
5. Кўп йиллик амброзиянинг ботаник характеристикаси қандай?
6. Кўп йиллик амброзиянинг келиб чиқиш маркази қаерда ва қайси мамлакатларда тарқалган?
7. Кўп йиллик амброзияга қарши карантин тадбирлари қандай?
8. Тиканли итузумнинг ботаник характеристикаси қандай?
9. Тиканли итузумнинг келиб чиқиш маркази қаерда ва қайси мамлакатларда тарқалган?
10. Тиканли итузумга қарши карантин тадбирлари қандай?
11. Уч гулли итузумнинг ботаник характеристикаси қандай?
12. Уч гулли итузумнинг келиб чиқиш маркази қаерда ва қайси мамлакатларда тарқалган?
13. Уч гулли итузумга қарши карантин тадбирлари қандай?
14. Коралина итузумининг ботаник характеристикаси қандай?
15. Коралина итузумининг келиб чиқиш маркази қаерда ва қайси мамлакатларда тарқалган?
16. Коралина итузумига қарши карантин тадбирлари қандай?
17. Темир тиканли (кам гулли) ценхруснинг ботаник характеристикаси қандай?
18. Темир тиканли (кам гулли) ценхруснинг келиб чиқиш маркази қаерда ва қайси мамлакатларда тарқалган?
19. Темир тиканли (кам гулли) ценхрусга қарши карантин тадбирлари қандай?

## IXБООБ

### Республикада учрамайдиган ва тарқалиши чегараланган карантин бегона ўтларнинг меваси ва уруғининг фитоэкспертизаси Дала зарпечакки-*Cuscuta campestris* Juncker

Уруғлик материаллар ичида зарпечакнинг уруғи ва кўсаклари учрайди. Кўсаклари тўқ жигар рангда бўлиб, ташқи тамондан думалоқ, юзаси майда чуқурчали, ғадир-будур. Кўсаклар ўлчами 2,0-3,5 мм, уруғининг узунлиги 0,9-2,0, кенглиги 0,8-1,5, қалинлиги 0,6-1,3 мм. 1000 та уруғнинг оғирлиги 0,87 г ни ташкил қилади.

#### Шувоқбарг амброзия-*Ambrosia artemisiifolia* L.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари орасида меваси ва уруғи учрайди. Сохта меваси тескари тухумсимон, ёки думалоқ шаклда. Қавирғали, учи понасимон қисқарган, 5-10 та илмоқли, ранги қўнғир-қора, баъзан сариқ рангда. Мевасининг юзаси тўрсимон, ғадир-будур, узунлиги 2,5-4,5 мм, кенглиги 1,5-2, қалинлиги 1,5-1,75 мм. 1000 та уруғининг оғирлиги 1,57-3,68 г.

#### Кўп йиллик амброзия-*Ambrosia psilostachya* DC.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари орасида сохта меваси ва уруғи учрайди. Сохта меваси тухумсимон, учи ўтмас, илмоқлари ўтмас, юзаси ғадир будур, ранги сариқ қўнғир, баъзан сариқ жигар рангда. Мевасининг юзаси жуда юпка, тўрсимон, ғадир-будур, узунлиги 3,0-3,5 мм, кенглиги 1,5-2,0 қалинлиги 1,5-1,75 мм. 1000 та уруғининг оғирлиги 2,5-3 г.

#### Уч бўлакли амброзия-*Ambrosia trifida* L.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари орасида сохта меваси учрайди. Сохта меваси кенг, тескаритухумсимон, 4-8 та илмоқли ранги оч сариқдан қўнғир рангача. Меваси йирик, узунлиги 5-8 мм, кенглиги 2,5-6, қалинлиги 1,8-3,8 мм. 1000 та уруғининг оғирлиги 18 г.

#### Колифорния кунгабоқари-*Helianthus californicus* D.Cd

Уруғи тухумсимон, учи думалоқ, сарғиш кўк рангда, юзаси узук чизиқли. Уруғи майда, узунлиги 3 мм, кенглиги 2 мм.

#### Киприкли кунгабоқар - *Helianthus ciliaris* D.C.

Уруғи узунлиги 3 мм, олтин рангда, усти думалоқ, туклар билан қопланган, учида иккита пат хосил қилади.

#### Барг бандли кунгабоқар - *Helianthus petiolaris* Nutt.

Уруғи думалоқ, чўзинчоқ, юзаси юмлоқ, юзаси туклар ва иккита тангачалар билан қопланган.

#### Тукли кунгабоқар - *Helianthus scaberrimus* Benth.

Уруғи тухумсимон, учи ўткир, сарғиш ёки кул рангда, юзаси кўндаланг доғли, туклар билан қопланган. Уруғи майда, узунлиги 0,3-0,4 мм, кенглиги 2,0-2,5 мм.

#### Судралувчи какра- *Acroptilon repens* D.C.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари орасида саватчаси ва уруғлари учрайди. Саватчаси тухумсимон, барг ўрами бир бирига зич жойлашган, ўртадагиси ва

юқоридагиси кенг, думалоқ, яшил рангда, туклар билан қопланган. Савтчадаги гуллари икки жинсли, найчасимон, қизил бинафша рангдаги гултожибарг хосил қилади.

Уруғи япалоқ, силлиқ ёки пуштали, тескари тухумсимон шаклда, кўнғир ёки сариқ рангда. Уруғи майда, узунлиги 2,6 -4,0 мм, кенглиги 1,3-2,0 мм, қалинлиги 0,7-1,3 мм. 1000 та уруғининг оғирлиги 4 г.

#### **Тиканакли итузум- *Solanum rostratum* Dun.**

Қишлоқ хўжалик махсулотлари орасида меваси ва уруғлари учрайди. Меваси бир уяли, ярим қуруқ резавор, усти нинасимон тиканаклар билан қопланган. Мевасининг узунлиги 8-15 мм, кенглиги 6-10 мм. Хар бир мевада 70-80 та уруғ мавжуд.

Уруғи думалоқ таёқчасимон, ён томонлари параллел, учи думалоқ, юзаситўлқинсимон, чуқурчали, жигар ёки сариқ, қора рангда. Уруғининг узунлиги 2,3 - 3,0 мм, кенглиги 1,75-2,0 мм, қалинлиги 1,0-1,25 мм. 1000 та уруғининг оғирлиги 3,0-3,6 г.

#### **Уч гулли итузум- *Solanum triflorum* L.**

Меваси яшил, силлиқ, ялтироқ, ўлчами 1,2 см. Уруғи тескари тухумсимон, япалоқ, майда чуқурчали, ранги сариқ жигар рангда, узунлиги 2 мм.

#### **Коралина итузуми- *Solanum carolinense* L.**

Меваси думалоқ, ранги яшил-сариқ, силлиқ, ўлчами 1,25-2,5 см. Битта мевада 40 тадан 60 тагача уруғ сақланади. Уруғи япалоқ, дисксимон, думалоқ шаклда. Ранги сариқ жигар рангда, ялтироқ, узунлиги 2-3 мм, қалинлиги 0,3-0,5 мм.

#### **Тиканакли ценхруслар- *Centrus tribuloides* L.**

Донлар ва жун материаллар орасида бошоғи ёки дони учрайди. Қипиқлари кўпол сомон рангида, учи нинасимон ингичкалашган, тиканакли. Дони жигар рангда, япалоқ, овалсимон шаклда. Донининг узунлиги 2,1-3,5 мм, кенглиги 1,8-2,3 мм, қалинлиги 1,0-1,4 мм.

#### **Стригалар- *Striga* sp.**

Хориждан келтирилган уруғлик материаллар орасида стригаларнинг кўсақлари ва уруғлари учрайди. Кўсақлари чўзинчоқ овалсимон, икки ёни қисилган. Кўсагининг узунлиги 3,2-7,6 мм, кенглиги 2,5-3,2 мм. Уруғи қийшиқ овалсимон, тўқ кўнғир рангда, юзаси ғадир будур, узунлиги 0,15-0,20 мм. 1 г уруғида 195 минг дона уруғ бор.

## ИЛОВАЛАР

### Экспертиза баённомаси билан танишиш ва уни расмийлаштириш

Экспертиза баённомасини расмийлаштириш билан танишиш ва уни тўлдириш малакасига эга бўлиш учун марказий карантин лабораториясидан олинган экспертиза хулосасининг баённомаси намуналари талабаларга тарқатилади. Марказий карантин лабораториясининг экспертиза баённомаси олинган нуктали намуналарни анализ қилиш асосида уни ҳар бир талаба мустақил тўлдиради ва энтомолог, фитопатолог, герболог хулосаларини баён қилинади.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Ўсимликлар карантин Бош Давлат инспекцияси Марказий карантин лабораториясининг экспертиза баённомаси № \_\_\_\_\_

(Ўсимликлар карантин давлат инспекцияси) (бошлиғи, исми ва шарифи)

Келтирилган намуналар \_\_\_\_\_

Гост-12340 Гост-28420 ва Ўзбекистон давлати учун карантин аҳамиятига эга бўлган ўсимлик зараркунандалари, касалликлари ва ашаддий бегона ўтлар рўйхати асосан:

Лаборатория экспертиза хулосалари

Энтомолог: \_\_\_\_\_

Фитопатолог: \_\_\_\_\_

Герболог: \_\_\_\_\_

Лаборатория хулосаси: \_\_\_\_\_

Лаборатория раҳбари \_\_\_\_\_ имзо

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 200 \_\_\_\_ й

Лаборатория хулосаси экспертиза учун олинган намуналарни мутахассислар томонидан экспертизадан ўтказилгандан кейин амалга оширилади. Лаборатория хулосаси лаборатория мудир томонидан тасдиқланиб хулоса натижасини тасдиқлайдиган тўрт бурчакли печат билан кўк рангда муҳрланади. Текширилган намунада карантин объектлари аниқланган тақдирда унга қизил рангдаги муҳир билан белгиланади.

## Фитосанитар сертификат билан танишиш ва уни расмийлаштириш

Фитосанитар сертификат бериш тартиби ва уни расмийлаштириш билан танишиш учун шаҳар карантин инспекцияси тамонидан бериладиган фитосанитар сертификат намуналари талабаларга тарқатилади ва уни ҳар бир талаба мустақил тўлдиради.

### ФИТОСАНИТАРНЫЙ СЕРТИФИКАТ N \_\_\_\_\_

Главная Организация по защите  
Государственная инспекция карантину растений  
Республики Узбекистан  
по карантину растений \_\_\_\_\_  
страна \_\_\_\_\_

#### Описание груза

Экспортер и его адрес \_\_\_\_\_  
Получатель и его адрес \_\_\_\_\_  
Количество мест и описание упаковки \_\_\_\_\_  
Маркировка (отличительные знаки) \_\_\_\_\_  
Место происхождения \_\_\_\_\_  
Способ транспортировки \_\_\_\_\_  
Пункт ввоза \_\_\_\_\_  
Наименование продукции и ее количество \_\_\_\_\_  
Ботаническое название растений \_\_\_\_\_

Настоящим удостоверяется, что растения или растительная продукция, описанная выше, была обследованы в соответствии с существующими методиками и правилами и признаны свободными от карантинных и других причиняющих ущерб вредителей и что они отвечают фитосанитарным правилам страницы-импорт

#### Обеззараживание

Дата \_\_\_\_\_ Способ обработки \_\_\_\_\_  
Химикат и его концентрации \_\_\_\_\_ Экспозиция и температура \_\_\_\_\_  
Дополнительная информация \_\_\_\_\_  
Печать организация \_\_\_\_\_ Место выдачи \_\_\_\_\_  
Государственный инспектор \_\_\_\_\_

Дата \_\_\_\_\_ Подпись \_\_\_\_\_

**Хорижий карантин рухсатномаси билан танишиш ва уни  
расмийлаштириш**

Хорижий карантин рухсатномасини бериш тартиби ва уни расмийлаштириш билан танишиш учун Республика ўсимликлар карантин Бош Давлат инспекцияси томонидан бериладиган хорижий карантин рухсатномасини намуналари талабаларга тарқатилади ва уни ҳар бир талаба мустақил тўлдиради.

Главная Государственная инспекция Республики Узбекистан по карантину растений

**ИМПОРТНОЕ КАРАНТИННОЕ РАЗРШЕНИЕ N \_\_\_\_\_**

Настоящим разрешается \_\_\_\_\_

Ввоз в Республику Узбекистан из \_\_\_\_\_

следующие растительные материалов \_\_\_\_\_

---

1. Ввозимые растительные материалы должны быть свободным от следующих карантинных вредителей, болезней и семян сорняков:

---

2. Отвечать следующим дополнительным требованиям:

---

3. Каждая партия ввозимого растительного материала должна сопровождаться фитосанитарным сертификатом, выданным официальными организациями по карантину и защите растений экспортирующей страны, удостоверяющим что отправляемые в Республику Узбекистан растительные материалы отвечает всем требованиям, указанным в пунктах 1 и 2 настоящего разрешения.

4. Ввоз растительных материалов разрешается обязательным контролем и экспертизой, через следующие пограничные пункты по карантину растений:

---

5. Завозимые по настоящему разрешению растительные материалы должны перевозиться по маршруту: \_\_\_\_\_

---

6. По прибытии к месту назначения растительные материалы и транспортных средств должны быть проведены следующие карантинные мероприятия:

---

7. Разрешение выдано на основании “ Закон по карантину растений в Республике Узбекистана” по заявке:



---

---

Выдано “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_ 2005 г сроком до “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2005 г

Начальник Главной Государственной  
инспекции по карантину растений \_\_\_\_\_  
Главный агроном по внешнему по карантину растений \_\_\_\_\_

М.П.

*Примечания:*

1. Импортное карантинное разрешение направляется для руководства и исполнения заказчику груза соответствующим Внешнеторговым организациям Министерства и ведомств пограничному пункту по карантину растений и республиканской госинспекции по карантину растений.
2. Государственный инспектор по карантину растений обязан вести строгий учет всех полученных разрешений

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Наумова Н.А. Анализ семян на грибную и бактериальную инфекцию. Изд-во “Колос”, Ленинград., 1970. 207 б.
2. Карантин растений. Термины и определения. М. Издательство стандартов, 1976, 10 с.
3. Васютин А.С., Каюмов М.К., Мальцев В.Ф. Карантин растений, Изд –во Брянской ГСХА, 2002. 535 с.
4. Справочник по карантинам и др. опасным вредителям, болезням и сорными растениям. -М.: Колос, 1970, 326 с.
5. Паспелов С.М., Шестиперова З.И., Долженко И.К. Основы карантина сельскохозяйственных растений. М.: Агропромиздат, 1985, 182 с.
6. Шералиев А., Белолипов И.В. Ботаника ва ўсимликлар физиологияси, Тошкент, “Чўлпон” номидаги нашриёт, 2006, 290 б
7. Шералиев А. Техник экинлар касалликлари, Тошкент, “ТошДАУ нашриёти”, 2006. 180 б.
8. Шералиев А., Ўлмасбаева Р.Ш. Қишлоқ хўжалик экинлари карантини, Тошкент, “Талқин”, 2007., 168 б.
9. Шералиев А., Рахимов У.Х. Қишлоқ хўжалик фитопатологияси, Тошкент, “Маъсулиятли матбуа”, 2008., 220 б.
10. Шералиев А., Мурадов Б. Энтомология ва фитопатология, Тошкент, 2008.
11. Шералиев А., Ўсимликлар карантинида фитоэкспертиза “Fan va texnologiya” нашриёти, Тошкент, 2008.
12. Шералиев А., Собиров С., Ахмедов Н., Тут касалликлари ва хашоратлари, Тошкент, 2009.
13. Джуманиязов М.Д., Сафаров М.Д., Кушербаев Ш.А. Распространение по странам мира карантинных для республики Узбекистана вредителей, болезней растений и сорняков. Ташкент, 2001. 38 с.
14. Журнал «Защита и карантин растений» Москва, 2007
15. Сборник по карантину растений. Вып. 15. Обзор заражение сельскохозяйственной продукции и тары. М., Сельхозгиз, 1963.
16. Мартиросов А.А., Шеффер В.В. Карантин растений Узбекской ССР. Изд во «Узбекистан», Ташкент, 1969.
17. Никитин В.В. Сорные растения флоры СССР. Ленинград, «Наука», Ленинградское отделение, 1983.

## МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
Кириш.....	4
I БОБ. Бегона ўтлар ва уларга қарши кураш чоралари фаниниг мақсади ва вазифалари ва ривожланиш тарихи.....	6
1.1. Фаниниг мақсади ва вазифалари.....	6
1.2. Карантин касалликлари тўғрисида таълимотнинг ривожланиш тарихи.....	7
1.3. Ўсимликлар карантини тизимининг ташкилий тузилиши.....	12
1.4. Қишлоқ хўжалик ўсимликларини фитосанитар назоратини ўтказишда кузатиш усуллари.....	12
1.5. Жаҳон фитосанитария халқаро ташкилотларининг ташкил қилиниши ва вазифалари.....	13
II БОБ. Ташқи ва ички карантин.....	15
2.1. Ички ва ташқи карантин тадбирлари.....	17
III БОБ. Карантин бегона ўтларининг экспертизаси.....	19
3.1. Карантин бегона ўтлар тўғрисида қоидалар.....	19
3.2. Карантин бегона ўтларнинг тарқалишини олдини олиш тадбирлари.....	19
3.3. Карантин бегона ўтларни далларда тарқалишини аниқлаш усуллари.....	20
3.4. Карантин бегона ўтларининг экспертизаси қўлланиладиган жихозлар.....	21
3.5. Бегона ўт уруғларининг экспертизаси.....	21
3.6. Карантин бегона ўтлари уруғларини тупроқда тарқалишини экспертизаси.....	22
IV БОБ. Карантин бегона ўтларнинг уруғи ва мевасининг ботаник характеристикаси.....	24
V БОБ. Ўзбекистон Республикасининг карантин бегона ўтлар билан зарарланиш ҳолати.....	27
VI БОБ. Ўзбекистон ҳудудида кам тарқалган карантин бегона ўтлар.....	43
VII БОБ. Республикада учрамайдиган бегона ўтлар.....	51
VIII БОБ. Республикада тарқалиши чегараланган бегона ўтлар.....	60
IX БОБ. Республикада учрамайдиган ва тарқалиши чегараланган карантин бегона ўтларнинг меваси ва уруғининг фитоэкспертизаси.....	67
Иловалар.....	69
Экспертиза баённомаси билан танишиш ва уни расмийлаштириш.....	69
Фитосанитар сертификат билан танишиш ва уни расмийлаштириш.....	70
Хорижий карантин рухсатномаси билан танишиш ва уни расмийлаштириш.....	71
Фойдаланилган адабиётлар.....	73

## **Авторлар хақида маълумот**

### **Шералиев Абдусайит-Биология фанлари доктори, профессор.**

1950 йил 24 майда Самарқанд вилояти, Ғаллаорол туманининг Нақрач қишлоғида таваллуд топган. У 1965 й. № 41 ўрта мактабни, 1969 й. Жиззах педагогика билим юртини, 1974 й. Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университетини Табиёт- география ва қишлоқ хўжалик асослари факултетини имтиёзли диплом билан тамомлаган.

Профессор А.Шералиев 1974-2013 й.й давомида 200 дан ортиқ илмий мақола, 15 дан ортиқ дарслик, ўқув қўлланма ва услубий ишларни яратган. Автор “Морфология растений Средней Азии”(1985), “Ўрта Осиё ўсимликлари морфологияси” (1986),” Тутнинг фузариоз касаллиги” (1991) монографиялари, ”Фитопатологиядан амалий машғулотлар” (2003), “Умумий ва қишлоқ хўжалик фитопатологияси”(2004), “Микроорганизмлар физиологияси” (2005), “Ўсимликлар иммунитетидан амалий машғулотлар”(2006), ”Техник экинлар касалликлари” (2006), “Ботаника ва ўсимликлар физиологияси”(2006), “Ўсимликлар иммунитетидан амалий машғулотлар”(2007), “Ўсимликлар морфологияси” (2007), “Қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг карантини” (2007), “Ўсимликлар карантинида фитозекспертиза”(2008), “Энтомология ва фитопатология” (2008),”Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” (2009),”Тут касалликлари ва хашоратлари” (2009), “Ўсимликларни ҳимоя қилиш” (2013) каби дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг муаллифи.

### **Насиров Бахтиёр С .Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент.**

1975 йил 7 августда Чимкент вилояти, Сайрам туманининг Манкент қишлоғида таваллуд топган. У 1981 й. № 45 ўрта мактабни, 1999 й. Тошкент Давлат Аграр Университетининг Ўсимликларни ҳимоя қилиш факултетини имтиёзли диплом билан тамомлаган.

Б. С. Носиров 2009 йилдан қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, 2010 йилдан Ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедрасида доцент лавозимида ишлайди. Доцент Б. С. Носиров 1999-2012 й.й давомида 20 дан ортиқ илмий мақола, ўқув услубий ишларни яратган. Автор “Энтомология”(2012),“Битирув малакавий ишини бажариш ва расмийлаштириш”(2012) услубий қўлланмалари ва “Ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш” (2012) ўқув қўлланмаларининг муаллифи.

**А.Ш.Шералиев., Б.С.Насиров**

# **КАРАНТИН БЕГОНА ЎТЛАР ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ**

**Билим соҳаси:** 600000 - Қишлоқ ва сув хўжалиги

**Таълим соҳаси:** 620000-Қишлоқ , ўрмон ва балиқчилик хўжалиги

**Таълим йўналиши:** 5620300–Ўсимликлар ҳимояси ва карантини  
ихтисослиги

---

*Муҳаррир: Ортиқбой Худойбердиев*

*Техник муҳаррир: М.Воҳובה*

*Корректор: Д.Қодирова*

*Дизайнер: Д.Алимкулов*

---

Босишга рухсат берилди 14.03.12. Бичими (60x84) 1/16. Шартли босма табағи 4,75.  
Нашриёт босма табағи 4,75. Адади 100 нусха.

---

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасининг 21-2254 сонли гувоҳномаси асосида  
ТошДАУ Таҳририят-нашриёт бўлимининг **РИЗОГРАФ** аппаратида чоп этилди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБ. АСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ  
ХЎЖАЛИГ. ДАВЛАТ ИДРАРИЛИГИ**

**РЕСПУБЛИКА ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ БОШ ДАВЛАТ  
ИНСПЕКЦИЯСИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**А.Ш.ШЕРАЛИЕВ., Б.С.НАСИРОВ**

# **КАРАНТИН БЕГОНА ЎТЛАР ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ**

**ТОШКЕНТ 2013**